



МИР АГРОТЕХНИКИ

ILMIY-AMALIY JURNALI • НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# AGROTEHNika

#02 (03) февраль  
2018 йил

ISSN 2181-9173

DUSHYOSI



ТЕХНИКАНИ  
ЯХШИ БИЛ...




СОВЕТЫ  
по выбору  
и эксплуатации  
ПЛУГА

39



МИНИ-ТРАКТОРЛАР  
құлай, арzon,  
самаrали

24



КРЕДИТМИ  
ёки

ЛИЗИНГ?

22

Cab Concept Cluster - «КАБИНА БУДУЩЕГО» 46

## ТАҲРИР КЕНГАШИ

### ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

**Мансур ШЕРМАТОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ  
бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

### ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ:

**Рафиқ МАТЧАНОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси,  
техника фанлари доктори, профессор

### КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

**Азмиддин САДРИДДИНОВ** ..... Тошкент Давлат техника университети профессори,  
техника фанлари доктори, академик

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ** ..... техника фанлари доктори, профессор

**Баҳодир МИРЗАЕВ** ..... Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислик институти проректори, техника  
фанлари доктори

**Ашраф МУҲАМАДИЕВ** ..... Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги маслаҳатчиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Анвар РИЗАЕВ** ..... Ўзбекистон фанлар академияси Механика ва иншоатлар  
сейсмик мустаҳкамлиги институти Баш илмий ходими,  
техника фанлари доктори, профессор

**Бахтиёр ШАЙМАРДОНОВ** ..... Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини  
давлат синовидан ўтказиш маркази Баш директори,  
техника фанлари доктори, профессор

**Сайдаббос САЙДАМИНОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси ўринбосари,  
“Ўзагротехмаш” АЖ Баш директори

**Исройл УСМОНОВ** ..... “Қишлоқ хўжалик машинасозлиги конструкторлик-технологик  
маркази” МЧЖ директори ўринбосари

**Азамат ЮЛДАШЕВ** ..... “Ўзагротехмаш” АЖ ишлаб  
чиқариш ва инвестициялар бўйича директори



**Шерзод МАҲМУДОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ  
ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи

**Пахриддин ХОЖИЕВ** ..... “Ўзагролизинг” АЖ Баш ҳуқуқшуноси

**Анвар ПИРМАТОВ** ..... “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ акциядорлар билан  
корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси

## МУНДАРИЖА

## СОДЕРЖАНИЕ

Мушоҳада.....	3
Исроил УСМОНОВ	
Тхникани яхши бил...	
	
Кластер.....	6
Замонавий лойиҳаларга – замонавий техника	
	7
Тошкент “Агрегат заводи” АЖ	
Деҳқончилик маданияти	
	8
Адилбек АХМЕТОВ	
Тупроқи ишлов берувчи машиналар тарихига назар	
ҲАДИСлардан қайдлар	12
Стратегия.....	
Ўзбекистонда космонавтика соҳаси	13
Эътироф	15
	
Олим ЭРГАШЕВ	
Таҳсинга лойиқ сулола	
Таққос ва таҳдид	
	
Исомиддин ТҮЛАНОВ, Камолиддин ТҮЛАНОВ, Тракторларнинг таснифи	17



Қишлоқ хўжалигида беминнат дастёр	26
Ибратли ҳикоятлар	27
Оқилона хукм Қизиқ буйруқ	
<b>Саломатлик</b>	
Назмий муолажалар	28
Назм.....	
Лазиз ҲОЖИАҲМЕДОВ	53
<b>Хажвия</b>	
Анвар ОБИДЖОН	
Кора бодринг	54
Кулгудром	
Ҳар соҳадан бир шингил	55

История.....	29
Рафик МАТЧАНОВ «Чирчиксельмаш» – кузница кадров	
Прогнозы.....	
Фарход МАТМУРОДОВ Типаж тракторов и прогнозирование тенденции развития их конструкции	33
Развитие.....	36
Адилбек АХМЕТОВ, Исроил УСМАНОВ Повышение маневренности четырехколесного универсально-пропашного трактора	
Это интересно.....	
	38
Уникальный музей	
Советы специалистов	
Верный пахарь	39
Сделано в Узбекистане	
Универсальный опрыскиватель VP-1IB	42
Наука и техника.....	
Адилбек АХМЕТОВ, Шерзод АХМЕДОВ, Дильшод РУЗИЕВ Функциональный передний мост, снабженный механизмом управления с телескопической поперечной тягой	44
Тенденции.....	
	
Кабина будущего	46
Новинки.....	
	48
Горец от Ferrari	50
Техномузей	51
Калейдоскоп	
Юмор	52



# ТЕХНИКАНИ ЯХШИ БИЛ...

Дунёда нозу-неъматлар кўп. Лекин уларнинг энг азизи нондир. У инсон учун яратилган энг улуғ неъматлардан биридир. Ушбу неъматнинг азизумукаррамлиги ҳатто ҳалқимизнинг урф-одатларига ҳам жо бўлган. Бизда нафақат нон, унинг ушоғи ҳам ардоқланади. Чунки ҳалқимиз ноннинг қанчалар мashaқатли меҳнатлар эвазига дастурхонимизга етиб келиши, бу неъматсиз еганимиз ўрнига тушмаслигини жуда яхши ҳис этади. Лекин тўқ ва бисёр замонамиз зайди биланми, ҳаётимиздаги буюк ривожланишлар натижасими, бу неъматнинг дастурхонимизга қандай етиб келиши ҳақида қўп ўйламаймиз.

**Ф**икни жамлаб, бир мушоҳада этиб кўрадиган бўлсак, нон неъмати дастурхонимизга этиб келгунча қанчадан-қанча босқичлардан ўтишига гувоҳ бўламиз. Шу босқичлардан бири ғаллани ўриб-йигиб олишдек сормашаққат ва сермеҳнат жараёндир. Шундан бўлса керак, бу жараёнларни машина ва механизмлар ёрдамида бажариш бутун дунёда нафақат ғалла етиштурувчиликлар, балки мухандис-техник мутахассисларнинг ҳам доимий дикқат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бир вақтда бажариладиган жараёнлар бир нечта бўлгани сабаб бундай технологияли машиналар ҳам анча мураккаб тизимга эга. Бу машиналар ғаллани ўриш, янчишга йиғиш, янчиш, донини то-залаш, дон ва сомонни алоҳида тўплаш, донни тракторга юклаш каби ишларни кетма-кетлиқда бир вақтнинг ўзида ва сифатли бажариб беради. Бундай машиналар КОМБАЙН, деб аталади. Бу сўз инглиз тилидан олинган бўлиб, *combine* - “бирлаштириш, комбинациялаш” маъносини беради ва улар уч ҳамда ундан ортиқ технологик опера-

цияларни бажаришга мўлжалланган бўлади.

Дон ўриш-йигиш комбайнинг дунёда биринчи патент 1828 йил АҚШда қайд этилган. Лекин бу патентланган қурилма ишлаб чиқарилмаган. Ишлаб чиқаришга қўйилган биринчи комбайн E. Briggs ва E. Soscoenter томондан АҚШда яратилган. Шундан сўнг дунёда узоқ вақт комбайн яратиш бўйича турлича тадқиқот ва изланишлар олиб борилди. Комбайнларнинг қишлоқ хўжалигига кенг кириб кела бошлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келади. Бугун ғалла комбайнларисиз дон ўрим-терими ишларининг бажарилишини тасаввур қилиш қишин. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи дунёнинг барча илфор компаниялари дон комбайнларини ишлаб чиқаради. Республикамиз дехқонлари бир неча йиллардан бери “CLAAS” (Германия), “CASE NEW HOLLAND” (АҚШ), “Ростсельмаш” (Россия) компаниялари томонидан тайёланган комбайнлардан фойдаланиб келишмоқда. Республикамизда “Доминатор”, “Мега”, “Кейс” русумли комбайнларда ишлаш



бўйича етарли тажриба тўпланган. Ҳозирга келиб “Ўзагротехмаш” АЖ корхоналари томонидан юқори унумдор бўлган “CASE AXIAL FLOW 4088” ва “ВЕКТОР-410” дон комбайнларини республикамиизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу комбайнлар фойдаланувдаги эскирган комбайнларнинг ўрнини олади. Албатта, мазкур дон комбайнлари ўзидан олдингиларидан кўп жиҳатлари билан устунликка эга. Комбайнлар моделларини бир-бiri билан солиштириш, уларнинг устунликларини баҳолаш учун техниканинг тузилиши, унинг тавсифланиш хусусиятларини тушунтириш талаб этилади.

Дон комбайнлари қандай таснифланади? Комбайнлар харакатланиш қисми тури ва қувват олиш усули, янчиш аппаратининг янчидб ўтқазиш ҳажми, янчиш-тозалаш мосламаси тури ва комбайнлар ўлчамларига қараб таснифланади. Юриш қисми бўйича ғилдиракли ва занжирли комбайнлар мавжуд. Занжирли юриш қисмига эга комбайнлар асосан шоли ўримида кенг ишлатилади. Харакатланиш турига қараб дон комбайнлари ўзи юрар, тиркама ва осма турларга бўлинади. Юқори унумдор қомбайнлар асосан ўзи юрар бўлса, тиркама ва осма комбайнлар нисбатан кичик майдонларда дон ўришга мослашган бўлади. Тиркама ва осма комбайнлар ўз навбатида, моторли ва моторсиз турларга бўлинади. Яъни, бу тур комбайнлар харакатни тортувчи энергетик воситадан ёки ўзидаги двигателдан олиши мумкин.

Янчиш аппарати донни янчидб ўтқазиш қувватига кўра донни янчидб ўтқазишнинг кг бирлиқдаги қиймати 1,3,5,6,9,10,12 кг/сек бўлади. Баъзида комбайнлар синфларга қандай бўлинади, деган савол туғилади. Комбайнларнинг синфларга бўлинishi унинг янчидб ўтқазиш қувватига қараб белгиланади. Адабиётларда берилишича, янчиш қуввати 1-2 кг/сек бўлса – комбайн биринчи синфа мансуб, 3-4 кг/сек бўлса – иккинчи, 5-6 кг/сек – учинчи, 7-8 кг/сек – тўртинчи, 9-10 кг/сек бўлса – бешинчи синф ва ҳ.к.

Янчиш аппарати конфигурациясига қараб улар барабанли, роторли ва гибрид тузилишга эга бўлиши мумкин. Барабанли янчиш аппаратлари асосий ишчи қисми янчиш, барабан ва битерлар-

дир. Бундан ташқари, роторли янчиш аппаратларида барабанлар, битерлар ва сомон силкиттичлар ўрнига бўйлама ротор ўрнатилган бўлади. Бу мослама комбайн иш унумдорлигини кескин оширади ва дон нобудгарчилигини анча камайтиради. Лекин роторли янчиш мосламасида барабанли янчиш аппаратига нисбатан қувват сарфи 15-20 фоизгача кўпаяди. Бундан ташқари, ротор барабанли янчиш аппаратлари намлик юқори бўлган буғдойни янчишда барабанли янчиш аппарати ўрнатилган дон комбайнларига нисбатан донни нобуд

қилиш нисбати ортиқроқ бўлади. Бу ҳолатни роторли янчиш аппаратлари бор дон комбайнлари билан яшил бегона ўт босган далаларда дон ўриш вақтида кузатиш мумкин. Бу камчилигига қарамай роторли янчиш аппарати бор дон комбайнлари юқори ҳосилли далаларда буғдойни ўриб-яншиб олишда яхши иш беради.

Кейинги пайтларда қўш барабанли янчиш аппаратли дон комбайнлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Бундай комбайнлар дони қийин янчиладиган ва осон майдаланиб кетиши мумкин бўлган донли экинларни йиғиб олишда яхши сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Гибрид, яъни ротор ҳамда барабанли янчиш механизмлари бор қурилмалар ҳам истиқболли саналади. Бу аппаратларда барабанли ёки роторли аппаратларда бўлган нуқсонлар учрамайди.

Яна бир ҳолат. Барабанли янчиш аппаратлари ишчи элементлари штифли ёки тишли билоли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, барабанли декали янчиш аппаратлари ҳам бўлиб, бундай механизмларда илгарилари дека харакатсиз маҳкам ўрнатилган бўлса, ҳозирда дека харакатга келтирувчи янчиш аппаратлари ҳам мавжуд. Бу аппаратларда дека барабан харакатига қарама-қарши айланади. Бу хусусият доим донни сифатли янчишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Комбайн иш унумдорлигини таъминлаб берувчи иккита асосий омил мавжуд. Бу ўриш қурилмаси – жатканинг қамров кенглиги ва янчиш аппаратининг иш қобилиятидир. Жатканинг қамров кенглиги қанча юқори бўлса, комбайн шунча юқори иш унумдорлигига эга бўлади. Ўзбекистон шароитида далаларнинг конфигурацияси, карталарнинг майдонидан келиб чиқиб, мутахассислар қамров кенглиги 5 м гача бўлган жаткалардан фойдаланишини маслаҳат берадилар.

Комбайнлар турлича қўшимча мосламалар қўлланилиши ҳисобига ғалладан ташқари дуккакли дон экинлари, шоли, маккажӯхори, кунгабоқар ва бошқа мойли экинларнинг донини янчидб олиш имкониятини беради. Бу эса юқорида санаб ўтилган донли экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишда ўрим-йиғим техникасини ишлатиш заруриятидан халос этади.

Комбайнлар анча мураккаб қишлоқ хўжалиги техникаси сирасига киради. Улар дехқон кутган самарадорликни, иш унумдорлигини таъминлаши учун техниканинг йўриқномаларида кўрсатилган фойдаланишдаги асосий техник талабларнинг бажарилиши, комбайнни дала шароитлари ҳамда йиғиб-териб олинаётган қишлоқ хўжалиги экинига қараб созланиши ва ростланиши талаб этилади.

Авваламбор, комбайнларни далага тушириш учун уни ўрнатилган талаблар асосида тайёрлаш зарур. Даланинг нишаби кўпі билан  $10^{\circ}$  бўлиши керак. Дон ҳосилдорлиги 60 ц/га гача бўлган ҳолатда дон ҳосилининг дон массасининг донсиз қисми массасига нисбатан 1:0,8 дан 1:1,5 гача нисбат оралиғида бўлиши, дон намлиги 28 фоизгача, соғон намлиги 20 фоизгача тавсия этилади. Микрорельеф нотекислиги 5 см гача бўлгани маъқул.

Ўрим сатҳидаги экинларнинг бегона ўт билан қопланганлиги 40 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим. Ўрим вақтида дон нобудгарчилиги 2 фоиздан ортиб кетиши мумкин эмас. Комбайн бункерида ифлослантирувчи қўшимчалар 2 фоиздан, шунингдек, доннинг майдаланиб кетиши ҳам 2 фоиздан ортиб кетмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Албатта, далани комбайннинг идеал ишланиш учун тайёрлаш анча мушкул иш. Шунинг учун комбайннинг асосий ишчи органларини керакли кўрсаткичларни таъминлаш учун ростлаш талаб этилади. Баъзи ростлашлар кабинадан оператор томонидан борт компьютерига киритиладиган рақамлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ростлаш ишларини соз бажариш учун механик маҳсус тайёргарликдан ўтган бўлиши зарур. Барча тегишли ростлаш операциялари ҳақидаги маълумот комбайнлар йўриқномаларида тўлиқ кўрсатилади.

Барча соҳаларда кузатилаётгани каби комбайн созлиқда ҳам техникани автоматлаштириш ва

интеллектуаллаштириш орқали соҳага инновацияларни татбиқ этишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирда барча замонавий комбайнлар конструкцияларида кабинадан туриб янчиш аппарати ғалвирини ростлаш имконияти бор. Кабинадаги борт компьютерлар орқали ишчи органларни керакли техник кўрсаткичларга ростлаш мумкин.

CNH Industrial компаниясининг Россиядаги вакили Радик Гараев “agroinvestor.ru” сайтига берган интервьюсида компания дон комбайнларини мини-офисга қиёслаган. Комбайн кабинасидан ўтириб даланинг ўримга тайёрлиги, ташқи шароитнинг мониторинги, ўрилган майдонни ҳисобга олиш, ҳосилдорликни баҳолаш, комбайнни параллел бошқариш, дала чеккаларида автоматик равишда комбайнни буриш, қолаверса, комбайнни сунъий йўлдош орқали автоматик бошқариш имконияти мавжуд.

Масалан, John Deere компанияси дон комбайнлари 2014 йилдан бошлаб комбайнни ростлашнинг интер-актив тизими (ICA) билан ишлаб чиқарила бошланди. Бу тизимлар йиғим-терим стратегиясини танлаш, сарф-харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратади. GPS-мониторинг тизими эса бугунги кунда Ўзбекистон учун янгилик эмас.

Хуллас, комбайнлар ва уларни ишлаб чиқарувчиilar ҳам соҳага инновацион ғоялар ва янгиликларни жорий этишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу янгиликларни жойларда жорий этиш учун ёшларимиздан ўқиб-ўрганиш, ғайрат-шижоат кўрсатишлари талаб этилади.

**■ Исройл УСМОНОВ,**  
“Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги  
конструкторлик-технологик маркази” МЧЖ  
Бош конструктори.





## ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АМАЛИЁТИ

**Жорий йилдан бошлаб Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг самарали шаклларидан бири кластерларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.**

Масалан, биргина Тошкент вилоятининг Кўйи Чирчиқ туманида 2018-2020 йилларда пахта етиширишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўзида тўла жамлаган кластер лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 59 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилади, 600 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мазкур модель пахта хом ашёсини етишириш, дастлабки ишлов

бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ягона ишлаб чиқариш циклини ташкил этишни кўзда тутади.

“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖда бўлиб ўтган “Пахта-тўқимачилик кластерларига агротехника етказиб бериш” мавзуидаги семинарда ушбу йўналишда мутахассислар малакасини ошириш масалалари борасида сўз юритилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларда пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш бўйича берган топшириқларининг бажарилишига бағишлиниб, унда “Ўзтўқимачиликсаноат” ўюшмаси ва пахта толасини қайта ишловчи корхоналар мутасаддилари, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва тижорат банклари вакиллари, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ мутахассислари иштирок этилди.

Хусусан, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ вакиллари томонидан ўтказилган тақдимотда мамлакати-

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётидаги янги хўжалик юртиши тизимини шакллантириш ўйли ҳисобланиб, ўзаро провард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган “Кластер”лар яратишдир. Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичидаги жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни ўғунлаштириши – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга ўйналтиришдан иборат.

мизда ишлаб чиқарилган агротехника воситаларини кластер лойиҳаси ташаббускорларига лизинг орқали сотиш ва улардан мавсумий самарали фойдаланиш йўллари ҳақида маълумот берилди.

“Агробанк” АТБ вакиллари эса мазкур кластер лойиҳаларини амалга оширишда банк томонидан пахта хом-ашёсини етишириш харжатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредитлар, хусусан, асосий шартлар, муддатлари, кредит фоизлари борасида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида етказилиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари билан танишдилар.

■ **Ўз мухбиришимиз.**

**“Кластер” атамаси французча сўз бўлиб ўзбекча таржимаси “панжа”, “бош”, “боглам”, “гурух”, “тўпланиш”, “турғун” маъноларини беради. Шунингдек, “кластер” танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади.**



# ТОШКЕНТ “АГРЕГАТ ЗАВОДИ” АЖ

**У ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ  
МАШИНАЛАРИ – ПУРКАГИЧЛАР,  
ЧИГИТ ЭКИШ СЕЯЛКАЛАРИ,  
ҮРОҚ МАШИНАЛАРИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН**



Тошкент “Агрегат заводи” АЖнинг тарихи 1955 йилнинг март ойига тўғри келади. Завод фаолиятини қисқа муддатларда 4-ПЗУ ер насоси қурилмаси, сўнгроқ эса ДДА-100 ёмғирлатувчи машинасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан бошлаган. Дастреб у “Тошкент ирригация машинасозлиги заводи” деб номланди.. 1959 йилда завод трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигига қайта ихтисослаширилди ва Т24.3В қаторлар орасига ишлов берувчи тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Шу муносабат билан завод “Ўзбек трактор-йигиш заводи” деб номлана бошлади ва 1960 йилнинг биринчи чорагидаёқ 1400 та трактор ишлаб чиқарди.

1961 йили завод ХВС-1,2 русумли қўш қаторли пахта териш машиналари учун ўзиюрар шасси ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга муваффак бўлди. 1964 йилдан бошлаб завод тракторлар ишлаб чиқариш билан биргаликда янги мураккаб маҳсулот – қишлоқ хўжалиги машиналари ва комбайнлар учун редукторлар ишлаб чиқара бошлади. 1968 йили завод ўша давр учун анча кудратли ҳисобланган Т28-Х4 тракторини серияли етказиб беришни бошлади. Бу эса дунёда биринчи бўлиб тўрт қаторли “Ўзбекистон” пахта териш машинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Завод шу йилнинг ўзида йилига 22 мингта трактор ишлаб чиқариш маррасига эришди. 1972 йилдан бошлаб завод “Тошкент агрегат заводи” деб қайта номланди. Тракторларни йиғиш “ТТЗ”га топширилди, бирок орқа ва икки фидиракли олди кўпиклар ишлаб чиқариш заводга бириктириб қўйилди. Шу пайтнинг ўзида энергетика ва транспорт хўжалиги обьектлари қурилиши ҳажмининг ортиши ҳисобига, мослашувчан ишлаб чиқариш тизимлари жорий этилди.

1980 йилдан бошлаб танаворларга термик ишлов бериш агрегатларини ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди. СНЦ печлари линияси ҳамда гальваноқопламали янги автоматик линия ўрнатилди ва жорий этилди. 90-йилларга қадар завод универсал ер ҳайдаш ва пахтачилик тракторлари-

га олд ва орқа кўпиклар, собиқ Иттифоқ республикаларига етказилиб берилувчи турли машина ва механизмларга маҳсус редукторлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари сингари алоҳида тугунлар ва агрегатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашди.

1996 йилнинг ноябридан бошлаб завод “Агрегат заводи ОТАЖ” – очиқ турдаги акциядорлик жамиятига, 1999 йилнинг сентябринда эса “AGREGAT ZAVODI” ОАЖ га айлантирилди.

Ҳозирги пайтда заводнинг асосий маҳсулотлари: Вентиляторли ОВХ-600 ғўза пуркагичи, Штангали ОШХ-12-1А ғўза пуркагичи (гербицидлар билан ўғитлаш мосламаси), “AGRIMONDO” (Италия) ва “KUHN” (Франция) фирмаси билан ҳамкорликда тайёрланган осма “HORIZON” пуркагичи, тиркамали ОВМ-1500.

Шунингдек, завод “KUHN” фирмаси билан ҳамкорликда ерни тайёрлаш машиналари (плуглар, ротацион сихмолалар, ерни чукур юмшатгичлар) ва орқаосмали ротацион ўроқ машиналар ҳам ишлаб чиқарди. Қишлоқ хўжалиги машиналаридан ташқари завод маҳсулотлари жумласига НШ-10, НШ-32, НШ-50 шестерняли насослар, мотор-редукторлар, умусаноат мақсадларига мўлжалланган редукторлар, турли хилдаги универсал ва маҳсус редукторлар ҳам киради.

2005 йили импорт тўпламлари асосида тажриба синови ўтказилди ҳамда чигит ва бошқа экинлар экишга мўлжалланган тўрт қаторли пневматик сеялка ҳамда ВТ 150 ва Т4А тракторлари учун плуглар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технология ва ускуналарни жорий этиш заводга юқори жаҳон стандартлари даражасидаги деталлар ва буюмлар, тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Айни пайтда заводда ишлаб чиқаришнинг қўйидаги турлари мавжуд: - ерга ишлов бериш техникалари ишлаб чиқариш; - холдинг ички кооперацияси бўйича тугунлар (узеллар) ва редукторлар ишлаб чиқариш; - тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш.

2009 йилнинг март ойидан бошлаб завод собиқ “Ўзбекқишлоқмаш” ОАЖда илгари ишлаб чиқарилган СЧХ-4Б чигит экиш сеялкасини тайёрлаш тизимини йўлга қўйди. Алоҳида буюртмалар асосида завод буюртмачининг чизмалари ёки намуналари асосида детал ва тугунларнинг (узелларнинг) ёлғиз нусхаларини ҳам ишлаб чиқарди.




# ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРУВЧИ МАШИНАЛАР ТАРИХИГА НАЗАР



Дәхқончилик маданияти

Бугунги кунда қишлоқ хұжалик маңсулотлари ишлаб чиқаришни плуг ва культиваторларсиз тасаввур қилишимиз қийин. Айни соғда аллақачон қишлоқ ҳаётининг муҳим бир бүлагига айланиб, уларнинг конструкцияси бугунги күринишга етиб келгунча қўплаб такомиллаштириш жараёнини босиб ўтганига жиддий эътибор ҳам бермаймиз. Биз ушбу мақола орқали ўқувчиларнинг эътиборини мазкур масалага қаратмоқчимиз.

Бир неча минг йиллар муқаддам ибтидоий жамоа тузумидаги одамлар илдизмевали ва бошқа егуликка ярайдиган ўсимликлар меваларининг ерга тушган уруғлари униб чиқиб, янги егулик мевалар беришига эътибор қараттанлар. Маълум йиллар давомидаги кузатувлари натижасида улар юмшатилган тупроққа тушган уруғлар кўпроқ ҳосил берини англағанлар. Олимларнинг фикрича, айнан ибтидоий одамлар тупроқни атайлаб юмшатиб (расм 1, б), унга егулик учун зарур бўлган ўсимлик уруғини жойлаштира бошлаган пайт дәхқончиликнинг дастлабки вужудга келган даври хисобланади.




Расм 1. Ибтидоий тупроққа ишлов беруви қуроллар:

а - қазгич-таёқ (палка-копалка); б - қазгич-таёқ билан тупроқни юмшатиши; в - такомиллаштирилган қазгич-таёқ; г - таёқ; д - рало-дастлабки омочнинг тури; е - занжиртаёқ (цепь)

Ўз ўзидан ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар тупроқни нима билан юмшатиши мумкин, деган савол туғилади. Албатта, тупроқни кўл билан юмшатиш мушкул иш, шунинг учун улар бу мақсадда табиатда мавжуд бўлган таёқ ва тошлардан фойдаланишган. Даставвал тупроқни улар оддий таёқ (расм 1, г) билан сўнгра эса ўтқир тошлар билан уни ўтқирланган “қазгич-таёқ” (расм 1, а, б) билан юмшатишган. Кесакларни майдалаш учун эса оддий таёқ ҳамда тасма ёрдамида бир-бирига занжирсизмон уланган “занжиртаёқлар” (расм 1, е) ишлатилган.

Юмшатилган тупроқнинг юзасини текислашда даставвал басбутун ёғочдан тайёрланган оддий суковаткалар (расм 2, а), кейинчалик эса бир нечта ёғочлардан ўзаро боғлаб тайёрланган қурама суковаткалардан (расм 2, б) ва сўнгра учлари ўтқирланиб, бўйлама ва кўндаланг ёғочларга қаторланган тартибда боғлаб тайёрланган қадимий тирмалардан (расм 2, в, г, д, е) фойдаланишган.



Расм 2. Юмшатилган тупроқ юзасини текисловчи қуроллар:

а - суковатка; б - от кучи билан ишлатиладиган ибтидоий тирма-суковатка; в - тирма-суковатка, г - боғланма тирма, д - ёғочдан ўйниб тайёрланган тирма; е - шлейф-тирма


Йиллар ўтиши билан тупроқни юмшатиш учун ишлатилаётган “қазгич-таёқ” иккита йўналишда, яъни: кўлда ишлатиладиган “чопқи” ва “кетмон” (расм 3) гача ва ҳайвонларга қўшиб ишлатилади-



Расм 3. Чопқи ва кетмонларнинг эволюцион ўзгариши:

а - ибтидоий чопқи (мотига); б - ибтидоий кетмон; в - бронзадан тайёрланган чопқи; г - замонавий чопқи; д - замонавий кетмон


ган “рало” (расм 4, в, д) гача такомиллаштирили борилди ва оддий ибтидоий тупроқни юмшатувчи “қазгич-таёк”дан то такомиллаштирилган ралога ча эволюцион ўзгарди.



**Расм 4. Ралоларнинг турлари:**

а, б - сурдрабиб ва қадалиб юрувчи оддий ёғоч ралолар; в, ж - бир, икки ва уч тишли шоҳдастали ралолар; е - икки қаторга жойлашган уч тишли рало; д - бир тишли дастали рало

Чопқи соддалигига қарамасдан оддий “қазгич-таёк”га нисбатан бир нечта ишларни бажарishi мумкин. Яъни тупроқни юмшатиши, кесакларни майдалashi, уруғларни экиш ва кўчатларни ўтқазиш учун чукурчалар қазиши, эгат очиши ва




**Расм 5. Соха ва омочларнинг турлари:**

а - жаҳонда биринчи бор римликлар томонидан яратилган плуг; б - оддий соха; в - лопатали айр соха; г - айр соха (косуля); д - металл сургичли соха; е - ёғоч сургичли соха; ж - ағдаргичли соха; з - эгат очуевчи соха

иккита одам бирлашиб (биттаси чопқини тортади иккинчиси эса уни тупроқка босиб боради) жўйик олиши мумкин. Айнан иккита одам бирлашиб чопқини тортиши даставвал рало (расм 4) ва сўнгра омоч ва сохаларнинг келиб чиқишига замин бўлди.

Ралоларнинг кўп йиллик такомиллашуви натижасида IX-X асрда сохалар (расм 5) яратилди. “Рало” ёки “Орало” сўзлари бу сохалар пайдо бўлиб, рало номини сиқиб чиқаргунгача (тахминан XIII-XIV асрлар) ўтган даврдаги соханинг кадимги номи. Соҳа славян халқлари сўзидан (русча, украинча, белорусча, болгарча соҳа, словенчча, словакча sóha, чехча sochor, полякча socha) олинган атама бўлиб, у “қозиқ” “айртаёк” деган маънони англатади.

Ралолар дастлабки даврда учи ўткирланган оддий ёғоч тишли бўлган. Сўнгра металл ихтиро қилиниши билан уларнинг ўткирланган учларига металл учликлар (расм 6) кийдирилган. Ушбу учликлар славян халқлари орасида сошник, Марказий Осиё халқларида эса учлик ёки бўлмаса тиши деб юритилган.




**Расм 6. Сохаларда ишлатиладиган учликларнинг турлари:**

а - рало сошниги; б, в, г - соҳа сошниги; д, е - косуля сошниги; ж, и - полица; л, м - пичоқлар

Йиллар ўтиши билан ралолар такомиллаштирилган. Иш унумдорлигини ошириш учун уларнинг тишелар сони бир, икки ва уч тишгача оширилиб борилган. Кўп тишли ралоларда тупроққа ишлов бериш вақтида йирик кесаклар тишелар орасига тиқилмаслиги учун тишелар икки қаторга шахмат тарзида жойлаштирилган (расм 4, д).

Ралолар фақат тупроқни юмшатса, сохалар эса уни юмшатиш билан бир вақтда ағдармасдан ён томонларга сурган. Бунинг учун улар металлдан тайёрланиб, ёғоч учига кийдириладиган тупроқни юмшатиб, ён томонига сурадиган тишелар билан жиҳозланган.

Ўрта Осиёда тупроққа ишлов бериш учун омочлар ишлатилган. Омочлар табоннинг мавжудлиги билан соҳадан фарқ қиласи, шу туфайли улар



*Расм 7. Плугларнинг эволюцион ўзгариши:*

*а - римликлар плуги;*

*б - славянлар плуги;*

*в - Бургернинг қисман металдан тайёрланган плуги;*

*г - Эккертнинг тўлиқ металдан тайёрланган плуги;*

соҳаларга нисбатан эгатларнинг тўғри чизиқлигини ва ишлов бериш чуқурлигининг турғунлигини таъминлайди.

Соҳалар қарийиб IX асрдан то XX асрнинг бошлигигача дехқончилиқда тупроққа ишлов берувчи асосий курол бўлиб ҳисобланган. Масалан, 1928 йили сабиқ Совет Иттифоқида қарийиб 4,6 млн. дона соҳа ишлатилган.

Соҳалардан нафақат тупроқни юмшатиш балки уни юмшатиб ён томонга ағдармасдан суриш, суғориш учун эгат олиш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Бунинг учун у қўшимча полица, присошек, лопата сингари ускуналар билан жиҳозланган.

Соҳалар бугунги кунда ҳам Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистон сингари давлатларнинг тракторлар чиқа олмайдиган тоғли ҳудудларида, масалан, террасаларда ва шунингдек, трактор кириб айлана олмайдиган кичик майдончаларга ишлов беришда ишлатилмоқда.

XIX асрнинг охирларига келиб соҳалар икки турдаги тупроққа чуқур ағдариб ишлов берувчи плуг ва юзаки ағдармасдан ишлов берувчи культиваторларга ажралди. XIX асрнинг бошларига келиб эса бутунлай металдан тайёрлана бошланди.

Плугнинг соҳадан асосий фарқи бу унинг темир учлиги, тупроқни ён томонга суруб ағдарувчи қурилмаси ва таянч ғиддирагининг мавжудлигидадир (расм 7). Бундай плугларда темир учлик билан юмшатилаётган тупроқ палаҳасасини унинг сурувчи қурилмаси ёрдамида ён томонга суриб ағдариб ҳайдаши ҳамда ишлов бериш чуқурлигини ғиддирак ёрдамида ростлаш имкониятлари мавжуд эди.

Плуг сўзи кадимги герман тилида (немисча Pflug) роман-герман (инглизча Plough, шведча Plog) ва славян (русча, белорусча, украинча, болгарча плуг, сербча плугъ, словенча. plùg, чехча pluh, plouh, словакча pluh, полякча plug,) маъносини англатади. Бу атама кейинчалик Марказий Осиё ҳалқлари тилига кириб келган бўлиб, тупроққа ишлов берувчи кенг лемехли қишлоқ хўжалик куроли плуг деган номни олди.


Дастлабки плугларнинг учликдан ташқари барча қисми ёғочдан тайёрланган. Уларнинг тупроқни ён

томонга сурувчи қурилмалари ҳам ёғочдан тайёрланган бўлиб (расм 1. а, б), улар эгри юзага эга эмас эди. Ёғочга тупроқ кўпроқ ёпишганлиги боис, ушбу қурилмалар кейинчалик металдан ясала бошланди ва уларни юзаларининг бир қисми ботиқ, бошқа қисми эса қабариқ қилиб тайёрланиб, ушбу қурилмаларга винтсимон шакл берила бошланди ва бунинг натижасида замонавий ағдаргичларнинг дастлабки қадими нусхалари (расм 1, в, г) яратилди. Плуглар тўлиқ металдан тайёрланган (расм 1, г) давргача оралиқ даврда уларнинг иш органлари металдан, қолган қисмлари эса ёғочдан тайёрланган. Масалан, германиялик Бургернинг плуги (расм 1, в) да рама ва ғиддираклар ёғочдан, иш органи металдан тайёрланган.

Шундай қилиб, жаҳонда биринчи бор римликлар томонидан яратилган плугларда учликдан ташқари ағдаргичгача бўлган барча қисмлари ёғочдан тайёрланган бўлса, XIX асрнинг бошларида улар бутунлай металдан тайёрлана бошланди.

1730 йили Англияning Роттерхам шахрида Джозеф Фулджембе (Joseph Foljambe) томонидан тўлалигича темирдан ишлаб чиқарилган “Роттерхам плуги” дунёда биринчи бор тижорат мақсадида муваффақиятли сотувга қўйилган плугдир.

Умуман олганда, XX асрнинг бошларига қадар соҳа ва омочлар плуг билан культиватор вазифасини ўтаган. Аммо плугларнинг кўплаб чиқарила бошлаши муносабати билан соҳа ва омочлар сони тобора камайиб борди. Натижада тупроқни ағдармасдан юмшатиш учун қурол етишмовчилиги сезила бошланди ва ушбу ҳолат тупроқни ағдармасдан юмшатиш учун зарур бўлган янги турдаги курол – культиваторларнинг (расм 8) яратилишига замин яратди.



*Расм 8. Отга улаб ишлатиладиган культиватор*

Культиватор қадимги лотин тилидан олинган сўз (cultivare) бўлиб, “ишлов бериш” деган маънони англатади.

1880 йили от кучи билан ишлатиладиган биринчи “райдер-культиватор”, XX асрнинг бошларида эса биринчи икки қаторли культиватор яратилди.

1912 йили австралиялик A.C. Howard айланма харакатланувчи фрезали ротацион культиваторни ихтиро қилди ва 1918 йилдан бошлаб B.F. Avery компанияси томонидан ушбу культиваторни тракторга ўрнатиб ишлатиладиган қурол сифатида ишлаб чиқарила бошланди.

Умуман олганда, XIX асрнинг бошларида тўлалигича металлдан тайёрланиб ишлаб чиқарила бошланган плуг ва культиваторлар бугунги замонавий плуг (расм 9) ва культиватор (расм 10) ларнинг дастлабки намуналари эди.



**Расм 9. Замонаевий ПН-4-30 плуги.**

Культиваторлар яратилиш давридаги от кучи билан ишлатиладиган содда ва оддий кўринишдан, то бугунги кундаги тракторларга тиркалиб ёки осиб ишлатиладиган мураккаб замонавий кўринишга эга бўлгунга кадар унинг конструкцияси тўхтовсиз таомиллаштириб борилди. Культиваторларнинг бугунги мукаммал конструкциясининг вужудга келишига юртимиз олим ва конструкторлари хам ўз хиссаларини кўшишди.

Шундай қилиб, соҳа ва омочларнинг қарийб XI асрлик такомиллаштирилиши натижасида XIX асрнинг бошларида вужудга келган плуг ва культиваторларнинг бугунги кундаги замонавий моделлари тупроққа ишлов берувчи қишлоқ хўжалик қуроллари такомиллашуви занжирининг эволюцион чўққисидир.



**Расм 10. ЧКУ-4А чизель-культиватори.**

Туроқни экишга тайёрлашда ишлатилаётган машиналарнинг тарихига назарий эътиборимизни якунлар эканмиз, шу ўринда ўқувчиларимизга муҳим бир гапни ҳам етказиб қўймоқчимиз. Яъни, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кузатилаётган тўхтовсиз ривожланиш баробарида олимларимиз, конструктор ва ихтирочиларимиз томонидан тупроққа ишлов берувчи қишлоқ хўжалик машина-қуролларининг янги авлодини яратиш мавжудларини янада таомиллаштириш борасида тинимсиз изланиш ва тадқиқотлар давом этмоқда.

**■ Адилбек АХМЕТОВ,  
техника фанлари доктори,  
профессор.**

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

1924 йилда Ўзбекистонга “Фордзон” (АҚШ) фирмасининг 55 та трактори келтирилди ва Ўрта Осиёда биринчи тракторчи-механиклар тайёрловчи курслар ташкил этилди. Шу йилда 90, 1925 йилда эса 254 тракторчи тайёрланди. Уларнинг асосий қисми ўзбеклар ва ерли халқ вакиллари эди. Республиканни техника билан таъминлаш йилдан-йилга кўпайиб, 1925 йилда Туркистонга 529 та трактор келтирилди ва 1934 йилда уларнинг сони 13541 тага етди. 1931-1932 йилларда республикада 24 минг тракторчи, механик-бригадир ва шоферлар тайёрланди.

1929 йилга келиб республикага келтирилаётган “Фордзон” тракторлари қишлоқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларини тўлиқ қаноатлантира олмай қолди. Ўзбекистонлик (хусусан, Узбексельсклад) мутахассислари томонидан мавжуд тракторларни ушбу талабларга мослаштириш принциплари ишлаб чиқилди. Маҳаллий шароитга мос келувчи қатор ораларига ишлов берувчи, сугориш учун эгатлар очувчи, гўзага ўсиш даврида шикаст етказмайдиган тракторлар керак эди. Шу талабларга биноан 1934 йилда “Универсал” трактори ишлаб чиқарила бошланди. Бу трактор учун сеялка ва культиваторлар “Красний Аксай”, “Ростсельмаш” ва “Ташселмаш” заводларида тайёрланди.




Figure 128.—Removing the Power Plant of the Tractor.

Бирор нарсага муҳтоҷлик сезиб, уни сўраш жуда зарур бўлиб қолса, солиҳ, яхши одамлардан сўрангиз.

Судхўрлиқда фойда олувчи билан уни берувчининг гуноҳлари баробардир.

Фаровонлик вақларингда Тангрини таниб унга илтижо қилиб юр, токи қийинчилик вақтингда У ҳам сени танисин.

Хизматчиларга яхши муомалада бўлиш – баракадир, ахлоқсизлик шумлиқдир, аёл кишига итоат қилмоқлик – надоматдир. Садақа эса балони қайтарувчидир. Ҳисобга олиш айни эҳтиёткорликдир.

Мен ҳам ҳазил-мутойиба қиласман, лекин ҳақ гапни сўзлайман.

Гуноҳига пушаймон бўлиш ҳам тавба ҳукмидадир.

Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар.

Яхши гумон қилиш ҳам яхши ибодат қилиш билан баробардир.

Хазинадаги нарсани буюрилган жойига розилик билан тўлиқ ҳолда берадиган ишончли, мўмин хазиначи ўз ёнидан садақа қилган одам билан баробардир.

Уйига меҳмон кўнмайдиганлар ёмон одамлардир.

Кимки шошилмай сабру қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади ёки шунга яқин бўлади. Шошилган одамнинг иши хато чиқади ёки шунга яқин бўлади.

Имон билан амал бир-бирига жуда яқиндиirlар. Улар бир-бirisiz дуруст эмас.

Қўрқоқ савдогар бойлиқдан маҳрум, қўрқмас савдогар омадлиdir.

Мўмин кишида қўйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: баҳиллик ва ахлоқсизлик.

Ростгўй, ишончли савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлур.

# ЎЗБЕКИСТОНДА

# КОСМОНАВТИКА СОҲАСИ:

## РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**2018 йил  
12 февраль куни  
мамлакатимиз  
Президенти  
Шавкат Мирзиёев  
“Ўзбекистон  
Республикасида  
космик тадқиқотлар  
ва технологияларини  
ривожлантириш  
тўғрисида”ги  
фармойишни  
имзолади.**

Юртдошлиаримнинг  
эришган натижаларидан  
ҳайратга тушибим.  
Англаб етдимки, она  
заминдаги инсонлар  
мехнати ва ижодисиз  
коинотда муваффақият  
бўлмайди.

**Космонавт-учувчи  
Владимир  
ЖОНИБЕКОВнинг  
“Тошкент трактор  
заводи” музейидаги  
“Мехмонлар китоби”га  
қолдирган эсдалик  
дастхатидан.**



**Ф**армойишда қайд этилишича юртимизда космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш учун базавий инфратузилма ҳамда улкан имкониятлар мавжуд.

Шу билан биргаликда сўнгги йилларда космонавтика соҳасида жиддий тадқиқотлар олиб борилмаган, ҳалқаро ҳамкорлик тўхтатилган, инфратузилма эса ҳозирги кун талабига жавоб бермайди.

Хўжатга биноан, тармоқни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш учун маҳсус Ишчи комиссия тузилди. Уни Баш вазир ўринbosари С. Холмуродов бошқаради.

### Комиссия:

- космик фаолият иқтисодий ўсишнинг локомотивларидан бирига, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишнинг қўшимча омилига айланган космик тармоқда ривожланишга эришган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганади;

- космик ва йўлдошли технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрла-

рини комплекс таҳлил қиласи, мазкур технологиялар, унга боғлиқ бўлган асбоб-ускуна ва дастурий маҳсулотларнинг инфратузилмаси ва хусусиятларини ўрганади;

- ўрганиш натижалари асосида космик ва комплекс технологияларни жорий этиш, шу жумладан космик ва йўлдошли тадқиқотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш, космик тармоқни бошқаришнинг яхлит тизимини яратишнинг асосланган концепциясини ишлаб чиқади;

- йўлдошли алоқа миллий тармоқини яратиш, космонавтика ютуқларини татбиқ этиш, потенциал хорижий ҳамкорни давлат-хусусий шерикчилик шартларида жалб этган ҳолда космик ва йўлдошли технологиялар соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш;


- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва молиявий маблағларни космик ва йўлдошли технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг жалб этишни таъминлайди;

- ҳалқаро ва хорижий молия институти-донорлар билан космик ва йўлдошли технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболларига тегишли масалаларни муҳокама қиласи ва келишиб олади.

Натижалар бўйича 2 ойлик мuddатда Президент девонига аниқ таклифлар билан таҳлилий маълумотномани, шунингдек, кўйилган вазифаларни амалий рӯёбга чиқаришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритадилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, биз космонавтика тарихи, бугуни ва тараққиётидан айри эмасмиз. Ўз вақтида буюк аждодларимиз унинг тамал тошини қўйишига муносиб хисса қўшганлар, юртдошларимиз, ўзбек фарзандлари Владимир Жонибеков ва Солижон Шариповнинг бугунги соҳа тараққиётидан ўз ўрни бор. Юқоридаги ҳужжат ва унда назарда тутмилган вазифалар эса дунё космонавтикасининг келажаги ҳам назаримиздан четда қолмаётганини кўрсатиб турибди.

## Коинотга дарча очганлар




**Архимед**  
(эрамиздан олдинги 287-212 й.) – Қадимги Юнонистоннинг буюк математиги ва механиги. Астрономия соҳасида ҳам талай ишлар килган. Осмон глобуси ясаган, унда Ой фазаларини, сайёралар ҳаракатини, Күёш ва Ой тутулишини кузатиш мумкин эди. Механика, математика ва астрономияга оид йирик асарлар ёзган.



**Абу Райхон Беруний**  
(973-1048) – Забардаст ўзбек олимни ва сайди, коинотга биринчи бўлиб йўл очганлардан. “Ал Қонун ал Масъуд” асарида ўзигача эришилган астрономия ва математикага доир барча билимларнинг “қаймоги”ни берган. Күёш системасининг тутимишини Коперникдан 500 аввал тўғри тушинтириб берган.



**Мирзо Улуғбек**  
(1394-1449) – Машҳур астроном ва математик. Буюк олим бошлигидаги самарқандлик астрономлар 1018 та юлдузнинг жойлашишини аниқлашди ва шу асосда астрономик жадвал тузилди. Бу жадвал ўз аниқлилиги, бекаму кўстлиги билан асрлар давомида астрономия илмида дастурил амал вазифасини ўтаб келмоқда.



**Г. Галилей**  
(1564-1642) – Италиялик улуғ физик, механик ва астроном. Фан тарихида биринчи бўлиб телескоп ясади ва у орқали осмон ёриткичларини кузатди. Бу телескоп тифайли кишилар кўз олдида коинотнинг мутлақо янги манзараси намоён бўлди. Физика ва астрономияга оид кўп кашфиёт Галилейники.




**И. Кеплер**  
(1571-1630) – Барча сайёралар Күёш атрофида еллипс бўйлаб ҳаракат қилишини исботлаб берган буюк немис астрономи. Сайёраларнинг силжишига қараб, улар ҳаракатининг учта қонунини очиб берди. Учинчи қонун асосида сайёралардан Күёшгача бўлган масофани ҳисоблаш мумкин. Авлодлар уни “само қонунчиси” деб аташади.



**И. Ньютон**  
(1643-1727) – Буюк инглиз физиги, математиги ва астрономи. Дифференциал ва интеграл ҳисоблаш усулини яратиб, математика фанини бойитди. Нурнинг мураккаб тузилишини очиб, физика фанини ривожига хисса қўши. У кашф этган бутун олам тортишиш қонуни коинотни ўрганиш тарихида туб бурилиш ясади.



**М. В. Ломоносов**  
(1711-1765) – Буюк энциклопидиячи олим ва мутафаккир. Модданинг сақланиш қонунини кашф этди. Астрономия фанини ҳам кўп янгиликлар билан бойитди. Чунончи, Венерада атмосфера борлигини айтиб берди ва унинг Күёш гардишидан ўтишини ўрганди. Ҳаёт факат Ерда эмас, бошқа сайёраларда ҳам бўлиши мумкин, деган фикрни айтди.



**К. Э. Циолковский**  
(1857-1935) – Аэродинамика, ракета техникаси ва сайёралараро алоқа назарияси соҳасида йирик кашфиётлар қилган улкан олим. Ракета илгари ҳам маълум эди. Лекин улуғ олимнинг бу соҳадаги хизмати шундаки, у фазога учирадиган ракеталарни реактив принцип асосида яратиш лозимлигини исботлаб берди.

Эътироф



# ТАХСИНГА ЛОЙИК СУПОЛА

**Ўтган йилнинг баҳорида CLAAS компаниясининг ҳамкорлар билан ишлаш гуруҳи бошқарувчиси Гельмут Клаас Рудольф Дизел медалига мушарраф бўлди.**

**А**йтиш жоизки, бу Европадаги энг нуфузли мукофотлардан биридир. Кашфиётлар бўйича Германия институти DfE (Deutsches Institut für Erfindungswesen) Гельмут Клаасни “Инновациялар соҳасидаги энг яхши муваффақияти учун” номинациясида ғолиб деб топди. Мюнхендаги Германия шон -шараф музейида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида сўзга чиқкан Гельмут Клаас ҳаяжонла шундай деди: “Шак-шубҳа йўқи, бу оламшумул воқеа, яъни тўқсон йил давомидаги ажойиб эътироф. Гап, бу ерда фақат мен ҳақимда бораётгани йўқ, эътироф бутун бошли CLAAS командасига тегишли. Зоро биз ҳамжиҳатлиқда ва изланувчан муҳитда инновацияга чин дилдан меҳр кўйиб, молиявий ютуқларга эришмоқдамиз”.

Гельмут Клаас 1926 йилда Харзевинкелда туғилган. У 1948-1954 йилларда Ганновер техника

университетининг машинасозлик факультетида таҳсил олган. Уни доимо бир ҳолат таъқиб қиларди – янги маҳсулотлар турини яратиш ва уларни кенг ишлаб чиқаришга татбиқ этиш. Шубоис Гельмутнинг бевосита ташабbusi ва иштирокида бир қатор инновацион қарорлар қабул қилинди. Мисол учун, ўтган асрнинг 70-йилларида бутун дунёга донг тараттан DOMINATOR ғалла ўриш комбайнларининг янги авлоди яратилди. Шунингдек, энг замонавий ғалла ўриш комбайнин, деб эътироф этилаётган LEXION ҳам унинг ғояси билан дунё юзини кўрди. Айниқса, JAGUAR силос ўрувчи комбайннинг яратилиши компанияга катта шуҳрат келтириши билан бирга, CLAASнинг дунёдаги етакчилик рейтинги ошишида муҳим қадамлардан бири бўлди.


Гельмут Клаас Венгрия, Буюк Британия, Болгария ва Германи-

ядаги нуфузли университетларнинг фахрий доктори унвонига сазавор бўлган. Хусусан, Штутгартдаги Хоэнхайм университети 2000 йилда “Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори” ва “Агромашинасозлик соҳасида эришган улкан муваффақияти ва юқори унумли қишлоқ хўжалиги машиналари яратишдаги катта ҳиссаси учун” фахрий унвонига лозим топди. Орадан тўрт йил ўтиб мазкур университет Гельмут Клаасни инновацион технологиялар соҳасидаги жуда кўп бора эришган ютуқларини эътироф этиб, уни ўзининг сенати аъзолари сафига қўшиб олди.

Рудольф Дизел номидаги медаль немисларнинг инновация соҳасидаги энг нуфузли мукофотларидан биридир. Ҳатто уни “Кашфиётчилар учун Оскар”га тенглаштиришади. Унинг биринчи тақдимоти Рудольф Дизелнинг ўғли Ойген ташабbusi билан 1953 йилда бўлиб ўтган. Бу мукофотга асосан, институт томонидан мустақил баҳолаш орқали нафақат юқори илмий салоҳиятга эришган, балки ана шу илмий ютуқларни юқори технологик асосда ишлаб чиқаришга, айниқса, тадбиркорликка йўналтирган муаллифлар ҳам эга чиқадилар.



**МАЪЛУМОТ УЧУН:**  
Компанияга 1913 йилда Гельмутнинг отаси ва амакиси томонидан асос солинган. Ҳозирда унга учинчи авлод - Гельмут Клааснинг қизи Катрина Клаас – Мюльхойзер етакчиидир.



## CLAAS - ТАРИХИДАН

**1913 йил.** Август Клаас томонидан Клархолс (Вестфалия)да фирманинг ташкил этилиши.

**1914 й.** Ака-ука Август ва Франц томонидан Gebruder CLAAS фирмасига асос солинди.

**1919 й.** Корхона Харзевинкелга кўчди, сомон йигувчи машиналар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

**1921 й.** Бойламларнинг янада сифатлироқ боғланишига имкон берадиган янги тугунловчи қурилма учун CLAAS фирмаси патент олди.

**1930 й.** Асосан Европа шароитида ишлашга мўлжалланган буғдой ўрувчи комбайн лойиҳаси бўйича иш бошланди.

**1934 й.** Биринчи пресс-йигувчи тайёрланди.

**1936 й.** CLAAS Европа шароити учун мос ва Европада тайёрланган биринчи буғдой ўриб-йигувчи комбайнни сотувга чиқарди.

**1937 й.** Буғдой ўрим-йигимида мўлжалланган прицепли комбайнни (йигувчи-харакат боғловчи машинани) конвејер усулида ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

**1953 й.** Биринчи ўзиюрар комбайн тайёрланди.

**1956 й.** Падерборида завод барпо этилди.

**1962 й.** Франциядаги янги заводда машиналар ишлаб чиқариш бошланди.

**1968 й.** CLAAS фирмасининг қайта ишловчи машиналари Харзевинкелда ишлаб чиқарила бошланди.

**1969 й.** Загугагуда тайёрланадиган ем-харакат йигувчи машиналар ҳисобига маҳсулот тури кўпайди (Жозеф Баутцага қарашли қишлоқ хўжалик машиналари заводи сотиб олинди).

**1971 й.** Шакарқамишни бевосита комбайнлайдиган машина ишлаб чиқарилди.

**1973 й.** Силосни қайта ишловчи ўзиюрар комбайн намойиш этилди.

**1976 й.** CLAAS ROLLANT русумли илк рулонли пресс-йигувчи ишлаб чиқарилди.

**1983 й.** Силос ўрим-йигимида мўлжалланган JAGUAR русумли комбайнларнинг янги авлодини ишлаб чиқариш бошланди.

**1988 й.** “Квадрант” номли йирик Ҳажмдаги тўғри бурчакли пресс-йигувчини тайёрлаш йўлга кўйилди.

**1992 й.** Бееленда (Вестфалия) CLAASнинг қайта ишловчи машиналари тайёрланадиган янги заводи ишга тушди. Агроком (сунъий йўлдошлардан фойдаланиш кўзда тутилган,

қишлоқ хўжалиги учун ахборотлар етказувчи электрон тизим) лойиҳаси устида иш бошланди.

**1995 й.** Бир соатда 40 тонна буғдойни тозалашга қодир “Лекцион” комбайнини ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

**1996 й.** Харзевинкель, Падерборн, Метцедаги заводлар қошида ишлаб чиқарувчи мустақил тузилмалар бунёд этилди.

**1997 й.** Тёрёкшентмиклос (Венгрия) даги янги завод сотиб олинди. Мазкур CLAAS Хунгария КФТ шўъба корхонасида қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

**2000 й.** CLAAS компанияси кузатув кенгаши раиси Гельмут Клаас Ўзбекистонга ташриф буюрди. У Нукус шаҳрида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги машиналарининг тақдимот маросимида иштирок этди. У анжуманда сўзга чиқиб, Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари, инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, бу ушбу юрт иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

■ Олим ЭРГАШЕВ  
тайёрлади.





# ТРАКТОРЛАР ТАСНИФИ:

**УМУМИЙ, МАХСУС, УНИВЕРСАЛ-ЧОПИҚ,  
КИЧИК ВА МОТОБЛОКЛИ**

УДК 631.171

Трактор (лотинча *tractor*, *traho* – сұдраш, тортиш, тортаман маңноларини билдиради) – унга үрнатылған двигателдан ҳаракат олиб, унга тиркаб, осиб ишлайдиган машиналарни тортиш ва турган жойида уланиб ишлайдиганларни ҳаракатта көлтиришга мүлжалланған ғилдирак ёки занжирли ҳаракатлантиргичли ўзи юрар машина. Халқ ұхжалиги учун **саноат ва қишлоқ ұхжалик тракторлари** ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ ұхжалик тракторлари ташқи күриниши, вазифаси, юриш қисми ва рамасининг тузылиши ҳамда номинал тортиш кучи (тортиш класси)га күра классификацияланади.

**Ташқи жиҳатдан** тракторлар ўзи юрар шассиларга, вазифасыга күра умумий ишларга мүлжалланған, махсус, универсал-чопик, кичик ва мотоблокларга бўлинади.

**Умумий ишларга мүлжалланған** тракторлар кўплаб экинларни етиштиришда бажариладиган асосий қишлоқ ұхжалик ишлари (ерни ҳайдаш, бороналаш, молалаш, экиш, культивация ва х.к.)ни бажариш учун мүлжалланған.

**Универсал - чопик** тракторлар чопик қилинадиган экинларни етиштиришда (экиш, қатор ораларига ишлов бериш ҳамда транспорт ишлари ва умумий ишларга мүлжалланған.

**Махсус** тракторлар маълум бир шароитларда битта экин турини парваришилашда амалга ошириладиган ишларни ёки маълум бир иш турини бажаради.

**пахтачилик** - суғориладиган ерларда қатор оралари 60 ва 90 см қилиб әкилган пахтани етиштиришга мүлжалланған. ЗК2 ғилдирак формуласи тракторни кичик радиусда бурилишини-юқори манёврчанлигини таъминлайди;

**сабзавотчилик** - тор қатор ораларига ва қатор оралари тор қилиб әкилган сабзавот экинларини етиштиришга (агротирқиши оширилган, колеялари кенг оралиқда ростланади) мүлжалланған;

**шоличнолик** - сувда шоли етиштиришга (клиренси оширилган, ўзи тозаланадиган махсус шинали, сув билан тўлдирилган поллар-ноодатий шароитларда ишлаш учун юқори

тортиш кўрсаткичли) мүлжалланған;

**ток (портал)** - тор қаторли токзорларга (бир ёки икки қатор) мүлжалланған, порталининг ўлчамлари симбағизнинг баландлиги ва кенглиги орқали аниқланади; трактор кенглиги ҳаракатлантиргичларининг четки қирраси бўйича кўпи билан 0,95 м;

**богдорчилик** - боғ ва мевали бутазор қатор оралари ўртаси ва дараҳатларнинг тана қисми атрофига машинани тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан суреб ишлов беришга мүлжалланған; дараҳат новдаларни ҳимояловчи жиҳозли, кўшимча осиш қурилмали, паст бўйли, гидрофикациялашган;

**лавлаги** - лавлагини экиш, парваришилаш ва йиғишга мүлжалланған; занжирининг ўлчамлари ва колеяси қатор оралиги (45 ва 60 см)га кўра аниқланади;

**чой** - мевали буталар, кўчатлар, мевали ва резавор, чойни етиштиришга мүлжалланған; агротирқишининг баландлиги (1,8 м гача) билан ажралиб туради, колеяси ростланади, олдига, ўқлар

орасига ва орқасига осилган машиналар билан ишлай оладиган имкониятли;

**төз** - фойдаланиш шароити 20° гача қияликларда экин ва ем-хашак етишириш ишларига мўлжалланган, махсус осиш курилмали, рамаси ёки тракторчи ўриндинин горизонтал ҳолатини сақловчи қурилма(стабилизатор)ли, турғунлиги юқори барқарорли, ағанаб кетишдан ҳимояловчи воситали ва бошқа хусусиятли;

**тўқай ва ботқоқ**, нам тупроқларга (юриш қисми ерга кам босимни таъминтайдиган, клиренси баланд-ботқоқли ерларда мелиорация ишларини, ботқоғи қутилган ва тўқай ерларда қишлоқ хўжалик ишларини бажаришга) мўлжалланган;

**Кичик трактор** (габарит ўлчамлари кичик)лар кичик контурли ерлар, фермер, дехқон ва майший хўжаликлардаги ишларни бажаришга, мотоблоклар эса ёрдамчи, томорқа ва майший хўжаликлар ҳамда иссиқоналардаги ишларни бажаришга ихтинослашган.




Юриш тизимининг тузилишига кўра ғилдиракли ва занжирли тракторларга бўлинади. Ғилдиракли тракторлар ғилдиракларининг умумий сони ва улардан етакчиларининг сонига қараб қўйидаги хилларга ажратилади: уч ғилдиракли трактор етакчи ғилдираги иккита (3K2), тўрт ғилдиракли трактор етакчи ғилдираги иккита (4K2), тўрт ғилдиракли трактор ҳамма ғилдираклари етакчи (4K4). Ғилдиракларини ўлчамларига кўра, 4K4-

олд ғилдираклари кичик, орқа етакчи ғилдираклари катта, 4K4б-олд ва орқа етакчи ғилдираклари катта ва бир хил ўлчамли;

**Рамасининг бор йўқлигига қараб:** рамали (яхлит ва шарнир бўғимли рамали), ярим рамали ва рамасиз тракторларга ажратилади.

Ўзиорар шассилар ва мотоблоклар алоҳида гурухларни ташкил этишади. Тракторларнинг қисқа таснифи қўйидаги схемада келтирилди.

## ТРАКТОРЛАРНИНГ ҚИСҚА ТАСНИФ СХЕМАСИ



Қишлоқ хұжалик тракторлары илмоқдаги номинал тортиш кучи (Р – тонна күч – т.к.) га күра ҳам таснифланади. Тупроқнинг намлиги ва зичлиги мөйерда бўлган анғизда номинал тортиш кучи билан (бунда трактор ҳаракатлантиргичларининг жойида салт айланишлари занжирили тракторлар учун – 5%, ғилдирак схемаси 4K4 тракторлар учун – 14% ва ғилдирак схемаси 4K2 ҳамда ЗК2 тракторлар учун – 16% дан ошмаслиги керак) ишләётган тракторни Ф.И.К.нинг қиймати энг катта ва ёнилғи тежамкорлиги ўта юқори бўлади. ГОСТ 27021-86(СТ СЭВ 628-85)га асосан тортиш

кучи бўйича қишлоқ хұжалик тракторларининг ўнта класси кўзда тутилган. Бу классларга мансуб тракторларнинг номинал тортиш кучлари қуидагича: 0,2; 0,6; 0,9; 1,4; 2; 3; 4; 5; 6 ва 8 т.к. Тракторнинг синфини кўрсатадиган рақам илгариги пайтда унинг илмоқдаги тортиш кучини тонна кўрининшини билдирган. Ҳозирги пайтда куч (тортиш кучи) ньютон (Н) ёки килоニュтон (кН) ларда ўлчанишини инобатта олган ҳолда, манфаатдор идоралар ва стандартлаштириш ташкилотлари томонидан тракторларнинг классини белгилашни ўзgartирмасликка ва ушбу

рақамлар ўлчов бирлигини кўрсатмасликка келишилган. Мисол учун, қуидагича ёзиш ва ўқиш лозим: «МТЗ-80Х – 1,4 т.к. классидаги трактор» каби эмас, балки «1,4 классдаги трактор».

Халқаро стандарт ИСО 730/1-77,730/2-79,730/3-82 да двигателининг кувватига кўра тракторлар тўрт тоифа(категория)га бўлинади.

ГОСТ 27021-86 (СТ СЭВ 628-85) ва халқаро стандарт ИСО 730/1-77,730/2-79,730/3-82 ларга кўра қишлоқ хұжалик тракторларининг тавсифий кўрсаткичлари

**ГОСТ 27021-86 (СТ СЭВ 628-85) ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТ  
ИСО 730/1-77, 730/2-79,730/3-82 ларга кўра қишлоқ хұжалик тракторларининг  
тавсифий кўрсаткичлари**

Тракторнинг				
Категорияси	Класси	Тортиш кучи, кН		Русуми
		номинал	оралиғи	
	0,2	2	0,8–2,5	Мини-трактор “Митти” ТТ3-0,2 , “Чумоли” СКБ-КСТТ-0,2
1	0,6	6	1,1–7,7	T-16МГ , T-25А, TT 40 TT3-30,T-30, T-30A, BY-300, BY-304, TTZ-LS I 38, CHIMGAN-304, LUX,354, 400,404, SF-260, 284
1, 2	0,9	9	7,2–13,2	TT3 60.10, TT3 60.11, T-40M, T-40AM, TTZ U 62
2	1,4	14	3,0–17,5	TT3 80.10, TT3 80.11, TT3 100К11, TTZ LS-1004 MT3-80, MT3-80X, Беларусь 80Х, МТ3-82, Беларусь 80.1/82.1/82.2, Беларусь 1025, TTZ-100HC, AXOS 340 3W HC, TL100, ТД5.110, LS PLUS 100
2, 3	2	20	11,0–25,0	T-70B,T-70CM ,TS 135, Беларусь 1523 MX-135, MXM-140, AXOS 340,
3	3	30	10,0–40,0	ARES 697 ATZ, ARION 640 CIS, 630 C T-150K, T-150, ДТ-75M, T6070, T7060
4	4	40	25,0–50,0	T-4A,T-4A.01/02, T-402.01, T-4АП.01, ВТ-100/150Д, MX-240, AXION 810, AXION 810 СРМ, Беларусь 1802
4	5	50	14,0–64,0	K-700A, K-701, K-744Р/Р1/Р2, Магнум 7240, Магнум 8940, MX-255, XT3-181, Челленджер 35,45,55, Беларусь 2103, Т-250
4	6	60	19,0–88,0	T-130,Т-130Б
4	8	80	72,0–108,0	

Тракторларнинг янги конструкциясини яратиш ёки мавжудларини такомиллаштириш ишлари истиқболли русумларга қараб олдиндан ишлаб чиқилган концепциялар асосида олиб борилади. Бунда тракторларнинг русумларини кўпайтирган ҳолда, ҳар бир русумли тракторнинг техник-иқтисодий кўрсатичларини етарлича ошириш билан бирга, халқ хўжалигининг барча талабларини қондириш кўзда тутилади.

Ҳар бир тортиш классидаги тракторлар база (асосий моделидан-энг кўп тарқалган) ва унинг турли кўринишлари(модификациялари)дан ташкил топган. Трактор модификациялари унинг асосий моделидан вазифаси ва тузилишининг баъзи хусусиятлари жиҳатдан фарқ қиласди. Одатда модификациялар асосий моделга жуда ўхшайди: двигатели, трансмиссияси, механизмлари ва хоказлари бир хил бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинларини етишириш технологик жараёнларида асосий энергия манбаи сифатида илмоқдаги тортиш кучи 6 дан 50 кН гача бўлган ғилдиракли ва занжирли тракторлардан фойдаланиб келинмоқда. Мамлакатимизнинг ўзига хос иқлим ва тупроқ шароити, қишлоқ хўжалик экинларини етиширишнинг анъанавий хусусиятлари тракторларга ўзи-



нинг муайян талабларини қўяди. Жумладан, қишлоқ хўжалик тракторлари турли иқлим шароитида (курғоқчил, чўл-даштларда, жуда сернам зоналарда ва қаттиқ совуқ бўладиган туманларда, атроф-муҳит ҳарорати  $-20^{\circ}$  ва  $+40^{\circ}$  бўладиган шароитда, суғориладиган текис ерларда, қир-адирлар ён бағирларида, тоғ этаклари ва тоғли туманлардаги паст-баланд лалми ерларда) ишлатилади. Булар тракторларни танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш усулларига маълум талаблар қўяди.

Тракторларни танлашда ундан фойдаланиш шароити (ернинг рельефи, майдоннинг шакли ва катта-кичиликлиги, тупроқнинг солиштирма қаршили-

ги ва бошқалар)га қўйиладиган агротехникавий талабларни ҳисобга олиш керак.

Катта майдонларга ишлов беришда ва оғир ишларни бажаришда (ер ҳайдаш, текислаш, чуқур юмшатиш ва бошқалар) умумий ишларга мўлжалланган баққувват ғилдиракли ва занжирли тракторлардан фойдаланилади.

Экинлар қатор ораларига ишлов беришда трактор керакли агротирқишига эга бўлиши ва энг асосийси қатор орасида ишлаш вақтида экинларни шикастлантирумаслик учун трактор ҳаракатлантиргичларининг эни рухсат этиладиган ҳимоя зонасини таъминлаши ва тупроққа берадиган босими кам бўлиши лозим. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда параметрлари илмий асосланган ва машиналар тизимиға киритилган тракторлар билан таъминланниб келинмоқда.

**■ Исимиддин ТЎЛАНОВ,**  
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти катта илмий ходими.

**■ Камолиддин ТЎЛАНОВ,**  
Марҳамат қишлоқ хўжалик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи кафедра мудири.



Ихтиро

# ТАЛАБАНИНГ “АҚЛЛИ ИССИҚХОНА”СИ



Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети техника йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрловчи етакчи олий ўқув юртлардан бири бўлиш билан бирга фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошираётган йирик илмий-тадқиқот маскани ҳамдир.

**А**йни вақтда университетда техникавий ижодкорлик қилиш учун барча шартшароит яратилган. Ўкув хоналари ва лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Университетда ташкил этилган Ўзбекистон ва Япония ёшларининг инновацион маркази талabalарни илмий изланишлар олиб боришга, ихтиrolар қилишга илҳомлантирмақда. Сўнгги йилларда университетда яратилган икки юздан ортиқ ихтиро амалиётга жорий этилган.

Университетнинг электроника ва автоматика факультети 3-курс талабаси Азизжон Эргашев “ақлли иссиқхона” деб номланган ихтироси билан кўпчиликнинг эътиборига тушган.

У яратган қурилма иссиқхона ичидаги ҳаво ҳарорати ва намлигини ҳамда қуёш ёруғлик даражасини бир меъёрда ушлаб туришга мўлжалланган. Қурилмада ҳарорат ва намлики, ёруғлик даражасини ўлчовчи маҳсус датчиклар мавжуд. Агар ҳаво ҳарорати тушиб кетса, иситиш печлари автоматик тарзда ишга тушади, агар

ҳарорат шунда ҳам меъёрга келмаса, овозли хабар орқали огоҳлантиради. Ҳарорат меъёрда бўлганда эса печлар автоматик ўчирилади. Агар хона ҳарорати меъёрдан ортиб кетса, “ақлли иссиқхона” ойналарини ўзи очади. Шунда ҳам ҳарорат ошиши давом этса, вентиляция тизими ишга тушиб, ҳавони совутиш жараёни бошланади.

Тупроқ намлиги пасайганини аниқлаган қурилма автоматик тарзда суғориш ишларини амалга оширади. “Ақлли иссиқхона” томидаги пардалар эса қуёш ёруғлик даражаси ошганда қўл келади. Барча маълумотларни қурилма ва компьютер мониторларида кўриб туриш имкони мавжуд. Қурилма содда тузилган, ўзбек тилида ишлаб, пульт орқали бошқарилади.

– Мазкур ишланма X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этилиб, олимлар ва иштирокчиларнинг эътиборига сазовор бўлди, – дейди Азизжон Эргашев. – Шу боис ихтирони жорий йилда амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб борилмоқда. Келажақда мазкур ихтирони янада такомиллаштириб, иссиқхонанинг барча маълумотларини мобиль телефон орқали кўриш ва бошқаришни, унинг қуёш батареялари орқали ишлашини таъминламоқчимиз.

■ Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,  
ЎЗА мухбири.

# КРЕДИТМИ ёки ЛИЗИНГ?



**Махсус техника, транспорт воситаси ёки асбоб-ускуналар харид қилмай, тадбиркорликни ҳам, фермерлик ҳаракатини ҳам бошлаш ёки ривожлантиришнинг иложи йўқ. Аммо бундай харидаларни ҳамманинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди, яъни улар катта маблағ талаб қиласди. Бир қарашда қийин масала, аммо ечими мавжуд – бу кредит ёки лизинг! Ҳўш, уларнинг бир-биридан фарқли ҳамда устун жиҳатлари нимада?**

Инглиз тилида “lease” атамасидан келиб чиқкан “leasing” сўзи мавжуд бўлиб, у “ижара” деган маънони англатади. Лизинг шартномаси асосида имзоланган битимлар 1 йилдан 5 йилгача тузилиб, узоқ муддатли ҳисобланади. Лизинг шартларининг тўловлари ҳамда уларни тўлаш шартлари эса лизинг корхонаси ҳамда лизинг олувчи мижоз томонидан, шартнома имзоланадиган пайтда белгиланади.

**Л**ИЗИНГ – қулай ва фойдали молия воситаси ҳисобланиб, ушбу усулни тижорий кредитлаш муқобили деб ҳам аташ мумкин. Узбекистонда лизинг соҳасининг ривожланиб бораётгани ҳисобига, мамлакат тадбиркорлари, уларга янада қулай бўлган молиялаш усулини танлаш: тижорат банкига бориб кредит олиш ёки лизинг корхонасига мурожаат қилиш каби имкониятларга эга бўлишиди.

Лизинг корхоналари деярли ҳамма фаолият соҳаларидаги корхоналар билан ҳамкорликда ишлайди. Кўпинча молиялашга қатъий талаблар бўлмагани учун, лизинг берувчилар ми-

жозларнинг талабларига тобора индивидуал ёндашмоқда. Бундан ташқари, битимларни лизинг компаниялари ёрдамида тузиш ҳамда расмийлаштириш анча тезкор равишда кечиб, бюрократик жараёнларнинг камлиги билан ажралиб туради. Вақтни тежаш ҳамда мобиллик туфайли лизинг компаниялари тадбиркорларга қатор афзалликларга эга бўлиш имкониятини яратиб беради.

## ЛИЗИНГНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- Лизинг шартномалари асосида тўланадиган тўловлар фойдага солинадиган солиқ бўйича солиқча тортилувчи баззанинг камайишини таъминлаб беради;
- Лизинг тўловлари ичida тўланган ҚҚС нархнинг ҳисобига тўлиқ ҳажмда кўшилади;
- Мулк лизинг корхонасининг шахсий маблағлари томонидан сотиб олинади;
- Лизинг корхонаси таъминловчини танлаш, маҳсулотларни етказиб бериш (таъминлаш), сугурта жараёнлари, кредитлаш, рўйхатга олиш, мулкнинг бухгалтерлик ҳисоботини юри-

тиш ҳамда лизинг муддати тугаганида, мулкни мижозга топшириш каби түлиқ хизмат түпламини тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан:

- Шартноманинг муддати туғаши билан, лизинг обьекти лизинг олувчининг шахсий мулкига айланади;

- Лизинг шартномасининг муддати лизинг обьекти иш муддатидан 80 фоиздан ортиқ бўлиши, ёки обьектнинг қолдик нархи лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг, унинг бошланғич нархидан 20 фоиздан кам бўлиши шарт;

- Шартноманинг муддати ўтганидан сўнг, лизинг олувчи лизинг обьектини ушбу обьектнинг бозордаги нархидан кам бўлган миқдорда, ҳуқук берилган санасидан бошлаб, сотиб олиш ҳуқуқига эга;

- Лизинг шартномасининг муддатида амалга ошириладиган лизинг тўловларнинг жорий дисконтланган нархи, лизингга берилган пайтдан бошлаб, лизинг обьекти жорий нархининг 90 фоизига тенгдир. Жорий дисконтланган нарх эса қонунчилиқда белгиланган бухгалтерлик ҳисоботига мос равишда ҳисобланади.

**КРЕДИТ** билан эса умуман бошқа ҳолат рўй беради. Кредитлаш жараёнида мижоз банкдан кредит олганидан сўнг, маҳсулотни мустақил ҳарид қилиш ҳуқуқига эга. Мижозларга кредит беришдан олдин эса, банк корхонанинг кредит тарихи, пассив ҳамда активларнинг ҳажми, гаров эвазига қўшимча таъминотининг мавжудлигини ўрганиб чиқади. Шу билан биргаликда, кредит бўйича тўловларни амалга оширишдан ташқари, қўшимча равишида яна ссуда (қарздорлик) фоизларини тўлаш ҳамда гаров эвазига қўйилган мулкни баҳолаш ёки унинг суғурта маблағларини қоплаш каби харатларни тўлаш эҳтимоли ҳам бор. Лизинг жараёнида эса, сизга бериладиган мулк гаров сифатида белгиланади. Шу та-

риқа, ижобий кредит тарихига эга бўлиш эҳтиёжи йўқолади.

Банкнинг кредити ёрдамида ҳарид қилинадиган мулк, шу вақтнинг ўзидаёқ, корхонанинг шахсий мулкига айланади. Лекин одатда, кредит шартномасининг шартлари ҳамда мулк гаровининг шартномаси ҳарид қилинган активдан фойдаланиш учун, бу актив молиявий ижарага олинганидан кам бўлмаган қатор чекловларни ўрнатади. Ушбу активни сиз ўз ихтиёргизга кўра сота олмайсиз, учинчи шахсга ижарага бера олмайсиз ҳамда суғуртага бўлган эҳтиёж ҳам сақланиб қолади. Бундан ташқари, барча солиқ тўловлари хусусий мулк эгаси зиммасида бўлади.

Максус техника, автотранспорт воситалари, тижорат транспорт воситалари ҳамда шу каби бошқа жиҳозларни ха-


рид қилишда лизинг кредитдан афзалроқ. Лизингнинг нархи ушбу жиҳоз кимнинг балансида юритилишига боғлиқ бўлади.

Ҳаммаси ўзига яраша ижобий ҳамда салбий тарафларига эга, шунинг учун ҳам ҳаридларининг режалаштираётган пайтингизда, барча яхши ва ёмон томонларини ҳисобга олиш керак. Лизинг ёки кредит фойдасига танловни корхонанинг хусусиятлари, молиявий барқарорлик ҳамда бошқа муҳим омилларга таяниб амалга ошириш лозим.

Мутахассис ҳамда экспертиларнинг маслаҳатларини эътибордан четда қолдирманг, чунки фаолиятингизнинг гуллаб-яшнаши қабул қилган қарорингизга боғлиқ.


■ Promzona.uz материаллари асосида тайёрланди.

### 2016 ва 2017 йилларда “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан лизинг асосида етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникалари ҳажмининг ўсиш динамикаси (техника қиймати бўйича)



www.agroleasing.uz

### 2016 ва 2017 йилларда “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти лизинг портфелининг ўсиш динамикаси



www.agroleasing.uz



Фермер хўжаликларини рағбатлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида фермерлар нафақат ер эгаси, балки замонавий техника ва технологиялар соҳибига айланмоқда. Ҳамёнбоп техникалар, жумладан, мини-тракторлар ўзининг замонавий, қулай, ихчам ва иш самарадорлиги билан наинки фермерлар, шу билан бирга, хусусий томорқа эгалари учун ҳам беминнат дастёрдирлар.

## МИНИ-ТРАКТОРЛАР кулай, арzon, самарали

**Хўш,  
МИНИ-ТРАКТОРЛАРНИНГ  
ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ  
МАВЖУД?**

- ихчам ўлчам ва кичик вазн, у ёпик ҳудудлардаги чекланган майдонда ишларни амалга оширишни, транспортировка ва сақлашнинг осон бўлишини таъминлайди.

- техникининг кўпфункциялилиги ечишувчан осма мосламаларни қўллаш эвазига турли-туман ишларни амалга ошириш имконини беради.

- бошқарув, фойдаланиш ва таъмирашнинг соддалиги.

- ҳар қандай осма жиҳоз учун универсал вал.

- ёқилғи кам сарфланиши, масалан, FERRARI i ва BCS ишлаб чиқарган мини-тракторларда моделлар ташлама газлар рециркуляция тизими билан таъминланган, бу ёқилғи сарфини камайтиради.

**МИНИ-ТРАКТОРЛАРНИ  
ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА  
ҚУЛЛАШ МУМКИН:**

- ерга ишлов бериш, аэрация, далани экишга тайёрлаш;
- кўйиллик экинларни парваришилаш;
- ҳосилни йигиш;
- ем-хашак тайёрлаш;
- ўтни текислаш;
- ҳудудни тозалаш, жумладан, бино олдидағи қорни кураш;
- юқ тушириш ва ташиш.

Хозирда бу боғдорчилик, даҳа-ховли ҳамда томорқага ишлов бериш, узумчиликда катта тракторларни ишлатиш мураккаб, имконсиз ёки иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган барча экинлар учун оптималь техника саналади.



## Қарор ва ижро

2018 йилнинг 25 яневар куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкил этишининг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

**✓ Қарорга асосан ҳудудларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари рўйхати тасдиқланди.**

• Ушбу ишлаб чиқариш - тўқимачилик саноати корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш юзасидан тўғридан-тўғри контрактация шартномасини тузиш асосида ташкил этилади.

# ҲАБАРИНГИЗ БОРМИ?

## ✓ Қарор билан қўйидагилар белгиланмоқда:

- лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техника харид қилиш, минерал ўғитлар, ёқилғи ва кимёвий ҳимоя воситалари етказиб бериш бўйича фермер хўжаликларига назарда тутилган шартлар пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотларига ҳам тадбик этилади;
- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш доирасида ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқилган пахта толаси ихтиёрий асосда сертификатланади;
- ишлаб чиқарилган пахта толасининг ўз ишлаб чиқариш

эҳтиёжларидан ошадиган ҳажмлари пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар ёки биржа орқали бошқа маҳаллий истеъмолчиларга сотилади;

• пахтаданолинганчигит, кейинчалик маҳсулотни қайтариш асосида ёғ-мой корхоналарига, ёғ-мой маҳсулотини кейинчалик биржа савдоси орқали реализация қилиш шарти билан, қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) эса тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биринчи навбатда фермер хўжаликларига сотилади.

## Сўранг, жавоб берамиз

# ХОРИЖДАН ТЕХНИКА ОЛИБ КЕЛМОҚЧИ ЭДИК...



**Савол: – Биз “Наримбобо” фермер хўжалигимиз учун Хитой давлатида ишлаб чиқарилган мини-трактор сотиб олмоқчимиз. Ушбу тракторни мамлакатимиз ҳудудига киргазиш учун қанча божхона божини тўлаймиз?**

**Трактор модели: WM 354G, мотор қуввати (kw): 35 от кучи (25.7 kw), моторни максимум эксплуатация қуввати: 50 от кучи (kw), гидриялар узаттаси: 4x4 характеристланиш тезлиги (км/соат): 34,78/12,1, нархи: 10 000 USD.**

**Жавоб:** – Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103-моддасига асосан техника воситасини “эркин муомилага чиқариш” божхона режимида расмийлаштиришда қўйидаги божхона тўловлари ундирилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сон қарорига асосан импорт божхона божи;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қарорига мувофиқ акциз ва қўшилган қиймат солиғи;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида” 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига мувофиқ божхона йиғимлари ундирилади.

Қўшимча равишда шуни маълум қиласизки, божхона тўловлари ҳисобланишида техника воситасининг қиймати, ТИФ ТН коди, келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги сертификат ҳамда товарни идентификация қилиш учун зарур бўлган маъ-

лумотлар, яъни унинг тўлиқ номи (модели, двигатель ҳажми ва ҳ.к.), ишлаб чиқарилган йили аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, божхона тўловлари бўйича тўлиқ маълумот олиш учун барча тўплангандан маълумотлар билан доимий яшаш манзилингиз бўйича тегишли бўлган ҳудудий божхона бошқармасининг ташқи иқтисодий фаолият божхона постига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Республикаси ДБҚ сайтидан олинди.**





# ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА БЕМИННАТ ДАСТЁР

**М**амлакатымиз қишлоқ хүжалигида дронлардан фойдаланишга ўтилади. Бунинг учун “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компаниясида ихтисослашган – “Учувчисиз технологиялар” МЧЖ ташкил этилди, дея хабар қиласы компания матбуот хизмати.

Ўзи учар авиация тизимларидан фойдаланиш учун компания мутахассислари Россияда “Птеро G1” дронларини ишлатиш бўйича малака ошириш курсларини ўтадилар.

Россия дронлари қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ўлчаш, уларнинг ривожланиши устидан мониторинг олиб бориш учун ишлатилади, бу режали-картография материалларини ўз вақтида янгилаш ва ўтказилаётган агротехник тадбирлардаги камчиликларни баратаф этиш имконини беради.

“Учувчисиз технологиялар” ҳолда маконга оид маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш.

“Птеро G1” учувчисиз авиация тизими аввалги муқобилларига нисбатан қўйидаги афзалликларга эга: у тезкор ҳаракатлана олади, объектив хуносалар беради, аниқлик, мақбул қиймат, узоқ масофага уча олади, катта ҳажмдаги шунингдек, алоҳида эътибордаги объектларни, бориши қийин бўлган манзиллардаги объектларни тадқиқ қиласи.

## “ПТЕРО G1” УЧУВЧИСИЗ АВИАЦИЯ ТИЗИМИ ҚУЙИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА:

Тавсиф	“Птеро G1”
Энг юқори баландлик	5000 метргача
Денгиз сатхидан старт олиш баландлиги (баландлик муруввати билан)	1500 метргача
1 марта парвозда фотосурат олиш худудининг майдони (талаф қилинаётган фотосурат олиш микёсига боғлиқ)	22 км <sup>2</sup> дан ортиқ
Крейсер тезлик	50...150 км/с
2 кг юқ билан парвоз вақти	3 соатдан 8 соатгача
Парвознинг максимал техник масофаси	100 дан 800 км гача
Парвоз ва қўниш учун майдон	100x100 м
Ҳарорат диапазони	-30...+50°C
Хизмат кўрсатувчилар	3 киши



Ибратли ҳикоятлар

# Оқилюна ҳүкм

Араб халифаси мўътабар бир одамнинг даражасини кўтармоқчи бўлди. Уни бир шаҳар ҳокими этиб тайинлашга фармон берди. Халифа котиби фармонни ёзишга машғул эди. Шу чоғда бир ёш гўдак келиб, халифанинг тиззасига чиқиб олди. Халифа уни ўпид, эркалади, бош, кўзидан силаб, тиззасидан туширмай олиб ўтироди.

Ҳоким бўладиган киши ҳам халифа ҳузурида эди. Болани бунча эркалатишни кўриб, халифадан:

- Бу гўдак ўз ўғлингизми? – деб сўради.

Халифа унга деди:

- Йўқ, бу гўдак менинг болам эмас, бир камбағал одамнинг боласи, ота-онаси вафот қилди. Болани ўз ҳимоямга олдим. Ўз болам каби ўстира бошладим. Етимлиги билинмасин деб, доим унинг кўнглини кўтариб, ўйнатиб ўтираман.

Бўлажак ҳоким бу сўзни эшитиб, халифанинг мулойим қалбли, шавқат, марҳаматли эканига ҳайрон бўлиб деди:

- Менинг ўнта фарзандим бор. Бошқаларнинг болаларига эмас, ҳатто ўз болаларимга ҳам тишимнинг оқини кўрсатмайман. Болаларим менинг ёнимда зириллаб, қўрқиб турадилар. Сизнинг бир бегона етим болага бунча шавқат, марҳамат кўрсатаётганингизга таажжубланаман.

Халифа бўладиган ҳокимнинг сўзларини эшитиб, ёзилаётган ёрлиқ қоғозини котибнинг қўлидан олиб йиртиб ташлади ва ҳузурида бўлгандарга шундай деди:

- Бу одамни ҳоким қилиб тайинлашни истамайман, ўз болаларига шу қадар тош кўнгиллик билан муомала қилган кишидан халққа қандай манфаат етади?!



## Қизик бўйруқ

Одатдан ташқари ажойиб ҳунар кўрсатишига қодир эканини даъво қилган бир киши Хорун ар-Рашид халифа ҳузурига олиб келинди. Хоруннинг бўйруғи билан у киши ўз ҳунарини кўрсатишига киришди. Ёнидан бир қутича игна олди, битта жуволдизни бир устунга қадади. Кейин сағал узокроқ ерда туриб, игналарни жуволдиз кўзидан отиб чиқара бошлади. Ҳунарини кўрсатиб тамом қилгандан сўнг, у Хорун ар-Рашидга таъзим бажо келтирди. Хорун бу ҳунари учун унга юз олтин бериш ва орқасига юз қамчи уришга буюрди. Бундай қизик бўйруқнинг сабабини сўрадилар. Хорун ар-Рашид бунинг сабабини шундай англатди:

- Бу одам жуда зўр истеъдод ва қобилиятга эга, лекин уни фойдасиз йўлларга сарф қилади. Ҳунарини тақдирлаб юз олтин беришга, истеъдодини фойдасиз нарсаларга сарф қилгани учун юз қамчи уришга буюрдим. Токи бундан кейин ўз истеъдодини кераксиз нарсаларга эмас, халқ ва юрт манфаати йўлида сарф этсин.



**“Оз-оз ўрганиб, доно бўлур китобидан”.**

# Назмий мұолажалар

Ҳар кишиким күзига суртса пиёзниңг сувини,  
Шилпиғу шабқұрлиқдан сақлагай доим уни.

\*\*\*

Сутга анжирни солиб, қайнатиб ичган замон,  
Ким йўтал бўлса, йўталдан қолмагай зарра нишон.

\*\*\*

Гар саримсоқ пишириб, турп уруғин бирла киши,  
Еса, буйрак тошидан бўлмас унинг ҳеч ташвиши.

\*\*\*

Сабзи олиб, сувга солиб, қайнатиб сўнгра уни,  
Ким асал билан еса, бўлгай уни тоза хуни (қони).

\*\*\*

Лавлагини гар киши қайнатиб пора қилур,  
Сувидан олиб, сочини ювса, кўп қора қилур.

\*\*\*

Бошу-бетга чиқмас эрса соч, соқолу ёки мурт (мўйлов),  
Чиқадур бошу-бетингга сен қуён ўтини сурт.

\*\*\*

Ҳар хотин-қиз қора қилмоқ истаса гар қошини  
Эчки ёғин суркасин у ҳеч қотирмай бошини.

\*\*\*

Тулки ёғин қиздириб уч томчидан қуйган замон,  
Кимки кар бўлса, кетар карлигию, топгай омон.

\*\*\*

Бўлса пайдо кўзда ҳар дард сурка оҳу ўтини,  
Айлагай тезда халос ҳар иплати бўлса уни.

\*\*\*

Гар баданнинг қай еридан қон оқиб бўлса равон,  
Тўхтатар лола сувидан унга суркалган замон.

\*\*\*

Ҳар киши заҳмат чекар бўлса йўталдан куну-тун,  
От сутин исин, тузалгай соғлиғи бўлгай фузун.

\*\*\*

Сен зифирни куйдириб, тутунига бурнингни тут,  
У тумовни йўқотиб, дардни қиласар тезда унут.

\*\*\*

Ҳар кишининг киндиги оғриб азоб берган замон,  
Турп уруғин асал бирла еса топгай омон.

\*\*\*

Гар есанг пишган саримсоқ буйрагингни пок қилур,  
Буйрагинг нопок бўлса, хомини ема, ҳалок қилур.

\*\*\*

Ҳар киши анжир тановул айласа кун-тун мудом,  
Кўксидан балғамни ҳайдаб, бартараф қилгай тамом.

\*\*\*

Турп уруғин еки, тандан балғамингни даф қилур  
Гар йўтал бўлсанг, йўталга дори бўлгай, наф қилур.

\*\*\*

*“Мажмуаи ҳикоят ва тиб” китобидан.*



# «ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» -



## КУЗНИЦА КАДРОВ

**Каждый завод или фабрика, конструкторское бюро или научно-исследовательский институт имеет свою биографию, свою судьбу.**



■ Рафик МАТЧАНОВ,  
доктор технических наук,  
профессор

**С**реди заводов сельхозмашиностроения «Чирчиксельмаш» имел свое лицо, свою специфику.

Во-первых, здесь была самая большая номенклатура выпускаемой техники – от культиваторов до куракоуборочных машин, значительное количество товаров народного потребления и другой специфической продукции. Это был единственный завод в отрасли, производящий стальные отливки (до ташкентского литейного завода).

Во-вторых, работал на заводе интернациональный коллектив. Много было узбеков, русских, крымских татар, немцев, украинцев и др.

В-третьих, на заводе сложился уникальный производственный коллектив, который дал большое количество высококвалифицированных кадров, которые долгие годы определяли лицо отрасли сельскохозяйственного машиностроения. Они возглавляли государственные органы, крупные заводы, технические службы. Это была настоящая кузница кадров.

Не могу не отметить тех, кого я лично знал и с кем посчастливилось поработать. Прежде всего это Евгений Александрович Белов – работал директором завода «Ташсельмаш», заместителем министра тракторного и сельскохозяйственного машиностроения страны; Сурен Арамович Асриянц – был председателем Узгосстандарта; Ирик Харасович Мусин возглавлял заводы «Ташсельмаш» и ТТЗ; Александр Григорьевич Руденко был одним из руководителей Наманганской области, возглавлял УзСовпроф; Игорь Петрович Великий – главный инженер «Главмашхлопковод-

ства», Агрегатного и Тракторного заводов; Рубен Данилович Аракелов – заместитель председателя ВПО «Союзмашхлопководства»; Рим Зиннатович Хусаинов – генеральный директор НПО «Технолог»; Владимир Александрович Беляев – директор Ташкентского тракторного; Вадим Константинович Курносенков – заместитель председателя правления ХК «Узсельхозмашхолдинг»; П.П. Оттыгашев – директор заводов «Ташсельмаш» и «Агрегатный»; Михаил Зиновьевич Гуревич – заместитель директора заводов «Ташсельмаш» и тракторного.

Хочу также упомянуть моих коллег и соратников, о которых у меня остались очень теплые воспоминания. Это директора «Чирчиксельмаша» Александр Владимирович Будаев, Хамид Файзуллаевич Таджибаев, Жалол Нигманович Тураев, Нуриддин Ташпулатович Сраджев, главные инженеры Аркадий Георгиевич Рякин, Эдуард Александрович Генрих, Виктор Яковлевич Кох, Хусан Каримович Маякубов.

А сколько чирчиксельмашевцев занимали на заводах отрасли более скромные должности – и не перечислишь. Заранее

прошу простить меня тех, кого не смог упомянуть.

Завод «Чирчиксельмаш» одно из крупнейших предприятий города Чирчика, ведет свою биографию с трудных военных лет.

22 июня 1941 года – трагическая дата в истории народов страны. Оккупация западных территорий СССР породила угрозу захвата противником промышленных предприятий, в том числе завода «Ростсельмаш». Государственным комитетом обороны принимается решение об эвакуации заводов в глубь страны. «Ростсельмаш» перебазировался в Узбекистан. Часть его разместилась на территории завода «Сельмаш» (впоследствии «Ташсельмаш»), а другая на территории предприятия «Чирчиктранс», где были два небольших помещения – мастерские и гараж. Сюда же эвакуировали Воронежский завод им. Коминтерна. Первое время вновь созданное предприятие работало как филиал №2 «Ростсельмаша».

Вот как эти тревожные дни вспоминает ветеран завода Виктор Михайлович Липилин<sup>1</sup>:

*«Враг был на подступах к заводу. Особенно тревожной была ночь с 17 на 18 октября. Завод подготовили к взрыву, если не успеем эвакуировать. Одновременно с минированием велся демонтаж оборудования и его погрузка на платформы. Благодаря героизму военных и заводчан удалось к утру отбросить врага. Отгрузить оборудование успели, но эшелоны неоднократно подвергались бомбардировке. Сопровождали эшелоны работники завода».*

В декабре 1941 года в Чирчик начало прибывать оборудование, с которым приехали и специалисты. Всего с двух заводов 130 человек. Это и был костяк будущего «Чирчиксельмаша».

Строительство завода началось с приказа №47 от 05.12.1941 г. заместителя директора завода «Ростсельмаш»

Ларина. Руководителем всех работ стал сотрудник «Ростсельмаша» Сотников. С целью их ускорения с 04.01.1942 г. руководителем строительства был назначен заместитель директора «Ростсельмаша» С.Ф. Фролов. В имеющихся зданиях мастерских и гаража разместили часть механообрабатывающего оборудования. Остальные станки устанавливали под открытым небом и сооружали над ними примитивные навесы из подручных материалов.

Зима выдалась дождливой – грязь, сырьё, обогреться и высушиться негде. Спали здесь же в неотапливаемых помещениях, в том числе кабинетах директора и начальника производства. Начали набирать работников из местного населения. В основном женщин и детей, достигших 13-15-летнего возраста. Все делалось вручную. Грузы перевозились на ослах и верблюдах. Единственным средством механизации была сооруженная самими рабочими узкоколейка с примитивной вагонеткой. Необходимо было сгребать, перемещать и монтировать мощные прессы, молоты, токарные и другие станки.

#### Работали круглосуточно в две смены, ночью в темноте. Освещения не было.

Как только устанавливали станок, к нему становился рабочий. Новобранцев обучали около двух недель. Некоторые по росту не доставали до органов управления станком, и им под ноги устанавливали ящики. Постоянно не доедая и не досыпая, ночуя прямо на заводе, местные работники наравне с прибывшими из Ростова и Воронежа работали по полторы-две смены подряд без выходных. Трудовой героизм рождал необычное единение людей перед грозной опасностью. Лозунг «Все для фронта! Все для победы!» был не только на плакатах, а жил в сердце каждого.

Параллельно организации производства начали возведе-

ние цехов. Первым построили заготовительный, в апреле 1942 года заложили фундаменты кузнечно-прессового и литейного цехов. В октябре этого же года вагранка выплавила первый чугун. Почти одновременно запустили первый бессемеровский агрегат для выплавки стали. Сталь разливали в формы под открытым небом, крыши цеха еще не было.

На первых порах завод работал, используя привезенные из Ростова и Воронежа материалы, заготовки и комплектующие.

В мае 1943 года запустили пятитонную электропечь, плавильные агрегаты и термические печи для выпуска деталей из ковкого чугуна.

**К концу 1942 года численность работников на предприятии уже составляла 1845 человек. В основном это были женщины и подростки.**

Параллельно завод стал осваивать мирную продукцию: запчасти к сельхозмашинам, в том числе плужные лемеха, штифты и ножи к комбайнам, звездочки и звенья гусениц для тракторов и др. Но сельскому хозяйству нужны были новые машины. Началась подготовка производства первой сельхозмашины завода – прицепной тракторной четырехрядной сеялки ССК. Директором назначили В.Л. Павлова. К весне 1944 года выпустили первую партию сеялок, а в целом по году 329 шт.

В 1944-1945 годах завод подготовил производство и начал выпускать гузауборочные машины ГЖ. С 1945 года выпуск военной продукции был прекращен, началось производство мирной техники. Строили новые цеха, в т.ч. инструментальный, ремонтно-механический, модельный.

У завода было сильное конструкторское бюро, которое впоследствии тесно сотрудничало с ГСКБ по машинам для хлопководства. Уже в 1946 году предприятие освоило семь наименований сельхозтехники: культиватор КД, удобритель

<sup>1</sup> Рякин А.Г. Возраст зрелой молодости. «Заводу «Чирчиксельмаш» 50 лет». Ташкент, 1992г.

СУЗ, окучник-удобритель ОУК, сеялку СГК, культиватор Арзие-ва и Омега, а также куракоуборочную машину.

«Чирчиксельмаш», как и «Ташсельмаш», выпускал машины для хлопкоочистительной промышленности, включая экс-центриковые прессы ЭП-30, волочильные барабаны ВБ-15.

Проблемой было внесение минеральных удобрений при возделывании хлопчатника. В 1947 году завод разработал и внедрил в производство удобрители СУЗ, которые монтировались на культиваторы КГН.

В 1950 году одновременно с культивацией минеральные удобрения вносились на всех посевных площадях страны. Для Средней Азии при поливном земледелии это был революционный шаг!

В 1951-1952 годах освоена очередная партия новых машин: универсальный культиватор-пладелатель УКП (четыре модификации), культиватор-удобритель НКУ-2,8. В 1954 году началось серийное производство куракоуборочных машин СКН-4. В 1955-м выпущено 3375 куракоуборочных машин.

Следующие новинки – это корчеватель стеблей хлопчатника КС и каналокопатель-заравниватель КЗУ (1957 г.). Выпускаемые машины постоянно совершенствовались, развивалась технология их производства.

Учитывая то, что хлопководство в Средней Азии ведется в условиях рискованного земледелия, большую проблему представляет сбор полураскрытий коробочек хлопчатника и остатков хлопка после прохода хлопкоуборочной машины. Выпускаемые до 1961 года куракоуборочные машины все, что осталось на кустах, собирали в один бункер, включая зеленый курак. При последующей полевой очистке хлопка ворохочистителями зеленый курак существенно снижал качество хлопка-сырца.

**Эта проблема была решена после освоения серийного производства новых куракоуборочных машин СКО-4, которые имели обогатитель курачного вороха.**  
**«Чирчиксельмаш» уже в 1961 году выпустил 200 таких машин.**

Еще через год завод освоил принципиально новый культиватор-растениепитатель КРУ-4, который на международной выставке в Москве удостоился золотой медали и диплома первой степени.

В то время внедрялись посевы хлопчатника с междурядьями 90 см, так как они более прогрессивны, позволяют повысить производительность и сократить расходы. Завод «Чир-

чиксельмаш» в 1966 году освоил для этих междурядий новые культиваторы КРХ-3,6 и КРТ-4, которые агрегатировались с тракторами Т28-Х4 и МТЗ-80 соответственно. В 1970 году для широких междурядий выпускается двухрядная куракоуборочная машина 2СКО.

Республика осваивает механизированное возделывание кенафа, и в 1968 году завод начинает производить лубоотделитель ЛО-1.

За 30 лет, прошедших со дня создания завода, объемы производства выросли в 25 раз. Численность работающих составила 3700 человек. В числе новых машин следует отметить чизель-культиватор ЧКУ-1А для сплошной обработки почвы с одновременным внесением удобрений, четырехрядную куракоуборочную машину СКО-3,6, туковысевающий аппарат КМХ-65, каналокопатель-заравниватель КЗУ-0,3Д и др. Всего к 1972 году завод освоил более 60 наименований новых машин.

Хлопководство в стране поливное. Это требует обязательного рыхления почвы после поливов хлопчатника. Сельскому хозяйству катастрофически не хватало хлопковых культиваторов. В сжатые сроки НПО «Технолог» спроектировало под ключ высокомеханизированный цех культиваторов, разработал, изготовил и смонтировал оборудование. Это был завод в заводе.

Новый цех культиваторов построили на месте старого цеха №1, который в 1942 году располагался как раз в здании бывшего гаража «Чирчиктранса», с которого начиналась история завода «Чирчиксельмаш». Цех стал производить новый универсальный культиватор КХУ-4, который заменил три культиватора: КРХ-4, КРХ-3,6 и КРТ-4. Теперь культиватор мог агрегатироваться с разными хлопководческими тракторами и использоваться для разных междурядий. В год производилось 17 тысяч культиваторов для всех хлопкосеящих республик. Директором завода в этот



**Культиватор-растениепитатель КРП-4 .**



### *Куракоуборочная машина СКО-4.*

период был Александр Григорьевич Руденко, главным инженером Эдуард Александрович Генрих, главным конструктором Аркадий Георгиевич Рякин.

**Завод успешно экспортировал свою технику, в том числе в Афганистан, Турцию, Египет, Тунис, Анголу.**

Большим техническим достижением стало освоение шестирядного культиватора КРХ-5,4; куракоуборочной машины СКО-5,4; гребне-грядоделателя ГХ-4; вычесывателя корневищ многолетних сорняков ВКС-1,8; палоделателя-разравнивателя ПР-0,5А и др.

После образования в 1996 году холдинговой компании «Узсельхозмаш-холдинг» завод «Чирчиксельмаш» стал полностью специализироваться на производстве почвообрабатывающей техники. Впервые в Узбекистане стали серийно выпускать плуги, бороны, в том числе дисковые, глубокорыхлители, планировщики и др.

Для производства новых машин естественно развивалась и технология их изготовления. Создавалась новая инфраструктура и мощности.

Если вернуться назад, то увидим, что уже в 1944-1945 годах была решена проблема сжатого воздуха, электроэнергии, тепла, воды и др.

Например, главной проблемой производства был литейный цех. Для получения качествен-

ных отливок необходимо было решить комплекс организационных и технических вопросов. В 1947 году были смонтированы первые машины для ручной формовки. Через год начал работать первый конвейер, пока еще с ручной загрузкой форм, заливкой стали и выбивкой отливок. В 1950 году внедрили второй конвейер с центральным землеприготовительным отделением. Решили проблему изготовления электродов. Параллельно развивались другие цеха.

